Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 43 (20. 610) • 1990 йил 20 февраль, сешанба • Баҳоси 3 тийин.

САЙЛОВ БЎЛИБ ЎТДИ

● 18 февраль куни республика аҳли Олий ва маҳаллий Советларга сайловга келган муҳитни Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий турмушидаги «якдиллик ва жипслик вазияти» деб бўлмас эди. Ҳар қандай демократик жамиятнинг табиий белгиси бўлмиш фикрлар хилма-хиллиги сўнгги сайловолди кунларида юксак нуқтага кўтарилди дейиш мумкин.

КЎП сонли норасмий бирлашмаларнинг сайловга муносабати ҳар хил бўлди: уларнинг баъзилари сайловда қатнашишдан ошкора бош тортишга чақирган бўлсалар, бошқа бирлари сўнгги босқичда ҳам ўз номзодларининг ғалабасига умид қилиб жон-жаҳдлари билан фаоллик кўрсатдилар. Тошкентда ва республиканинг бошқа шаҳарларида сўнгги ҳафтада турли-туман хитобномалар, варақалар пайдо бўла бошлади, бирбирига зид миш-мишлар тарқалди. Бусиз ҳам кескин вазиятни чигаллаштириш кимгадир керак бўлиб қолди. Кўрилган чора-тадбирлар туфайли вазиятни барқарорлаштириб олишга муваффақ бўлинди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Жамоат тартибига ва граждан хавфсизлигига қарши қаратилган ҳаракатлар учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги Фармони қабул қилиниши энг таъсирчан чоралардан бири бўлди.

Бу нарса ўз таъсирини ўтказа бошлади. Тошкентда ҳам, республиканинг бошқа шаҳар ва районларида ҳам, асосан осойишта, ишчан вазият вужудга келди, сайлов ҳам мана шундай вазиятда ўтди. Бироқ меҳнаткашларнинг «сиёсий фаоллиги ошди» дейиш унчалик тўғри бўлмайди — одамлар сайлов участкаларига азим дарёдек жўшқин борганлари йўқ. Балки жилдираб оқадиган ирмоқларни эслатадиган тарзда бордилар. Бунинг сабаблари бор.

Тошкентнинг аҳоли зич яшайдиган районларидан бири — Чилонзордаги 576-сайлов участкасида Ўзбекистондаги бошқа кўп кишилар каби ЎзТАГ мухбири ҳам турғунлик замонларидан етиб келган жумбоқни ечишига тўғри келди: Олий, шаҳар ва район Советлари номзодлари ёзилган учта бюллетенда фақат биттадан кишининг номи бор эди. Буни кўрган кўпгина сайловчилар "ўзларининг танлаб олиш ҳуқуқи бузилганлиги важидангина ҳамма номзодларни кетма-кет ўчириб ташлай бошладилар.

Бунинг устига бюллетенга киритилган «Ташметрострой» трестининг бошқарувчиси Г. Штерн, қурилиш трестининг слесари Э. Норбоев, район партия комитетининг секретари Т. Морнинг фамилиялари одамларга унчалик таниш эмас эди. Сайловолди даврида улар билан учрашув ҳам камдан-кам ўтказилди. Сайловчиларнинг овози учун зарурат бўлмаганидан кейин учрашувларнинг ҳам ҳожати йўқ эди.

Ўзбекистон ССР халқ депутатларини сайлаш учун тузилган беш юз округнинг учдан бир қисмида фақат биттадан номзод бор эди. Сайлов куни арафасида Тошкент шаҳар депутатлигига номзод А. Кононенконинг «Правда Востока» газетасида ёзганларига қулоқ беринг: «Учрашувларга икки-уч кишигина келар эди... Тўқимачилар саройида газлама ва грампластинкалар сотилади, буфет ишлайди, деган ваъдалар билан сайловчиларни жалб қилмоқчи бўлдилар». Тайёргарлик иши мана шундай қисқа бўлгач, ҳатто депутатликка номзодларнинг жуда қисқа таржимаи ҳоллари ёзилган расмий сайловолди варақалари 18 февралдан бир неча кун аввалгина пайдо бўлгач, бу нарса гражданларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини кўтаришга ёрдам бермаганлиги мутлақо равшан.

— Узил-кесил якунлар ҳақида гапиришга ҳали вақт бор, — деди Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг раиси Т. Ҳ. Собитов. — Бироқ овоз беришнинг ўзи ҳамма жойда нормал, ишчанлик билан ўтди — аввалгидек байрамона дабдабаларсиз ва беҳуда жазавасиз бўлди. Сайловчиларнинг асосий оммаси сайловнинг ташкил этилиши хусусида ҳеч қандай норозилик ва таъна билдирмади. Айрим шахсларнинг сайловда қатнашмаслик ёки ҳамма бюллетенлардаги номзодларни ёпасига ўчириб ташлаш ҳақидаги даъватлари республикада кенг миқёсда қўллаб-қувватланмади.

Келинглар, яна бир неча кун кутайлик, Ўзбекистонда овоз берилиши натижалари расмий эълон қилинишини кўрайлик.

Ҳозирча ЎзТАГ мухбирларининг жойларда сайлов қандай ўтганлиги тўғрисида республика областларидан юборган хабарлари билан танишайлик.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР

● Нукусдаги Глиэр номли санъат мактаби эрталабдан гавжум бўлди. Йўлакда ҳаваскор машоқлар жойлашиб олишган, савдо ишлари қизғин.

— Ўтган ҳафталар давомида участкамизга кўпи билан ўн киши келар эди, — деди участка сайлов комиссиясининг раиси, ўқув юртининг директори М. А. Тарихов. — Сайловчиларнинг лоқайдлиги кўринди турибди, аммо камчил моллар билангина бу ерга одамларни қизиқтириш мумкин бўлди.

Участка сайлов комиссияси раисининг важлари унчалик ишонарли бўлмаса ҳам ҳар ҳолда асослидир. Участка комиссиясидаги рўйхатда аҳоли истиқомат қиладиган жойларда бирорта йиғилиш ўтказилганлиги қайд этилмаган, кўпчилик сайловчилар сайловга келиш ҳақида таклифнома олганлари ҳам йўқ.

Уйларидан тополмасак нима қилайлик, деган баҳонани кўрсатади Максет Байаметович. Бироқ комиссияда 11 киши ишлайдику, округ ҳам унчалик катта эмас — тез кенгайиб бораётган микрорайоннинг беш қаватли уйларидаги 2027 кишини ўз ичига олган...

Баъзи бир камчиликларга қарамай, автоном республикадаги сайлов депутатларнинг янги корпусига ҳар ҳолда жамиятни ҳақиқатан ҳам янгилаш учун курашувчи фаол кишилар кирганлигини кўрсатди. Уларнинг сайловолди кураши бу фикримизнинг яққол далилидир. Сайловчилар ўз вакилларининг республика ижтимоий-иқтисодий тараққиётида кўп натижаларга эриша олишидан умидвордирлар.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ

● Гарчи республиканинг пойтахт областидаги сайловнинг узил-кесил якунлари ҳали чиқарилмаган бўлса ҳам, биринчи хулоса аниқ.

Сайловчилар конкрет дастур билан майдонга чиққан, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашга, турли миллат намояндалари ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга ваъда қилган номзодлар учун овоз бердилар.

Тошкент областининг 58 та сайлов округида Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайлови ўтказилди. Шундан 35 та округда икки ва ундан кўпроқ номзод кўрсатилган эди.

Маҳаллий Советларга сайловга келганда, бу кўрсаткич бир мунча пастроқ. Бунинг сабаби шуки, ҳар ҳолда одамлар маҳаллий Советдан кўра Олий Советга кўпроқ эътибор бермоқдалар.

Ҳозир яна бир нарса ҳам равшан: бир неча округда такрорий сайлов ўтказилади. Чунки номзодларнинг ҳеч бири зарур миқдордаги овозларни ололмади.

(Davomi иккинчи бетда).

ЗАРБДОР МЕҲНАТИМИЗ— ҚАЙТА ҚУРИШГА



Урганч ёғ-мой комбинати кейинги йилларда маҳсулот сифатини ошириш борасида катта ютуқларга эришди. Ўтган йилнинг ўзида 30 миллион 200 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Планга қўшимча равишда 30 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилди.

Суратда: комбинатнинг марказий лабораториясида. Ўртада корхона директори Т. Мусаев.

Р. ЖУМАНИЕЗОВ сурати.

Сариосиё районидаги Жўма Пирназаров номли колхоз манший хизмат уйида Гуландон Абдураззоқова номини ҳурмат билан тилга олишади. Чунки у тайёрлаган маҳсулотлар пишиқлиги, бежиримлиги билан ажралиб туради.

Суратда: илғор йигирувчи Г. Абдураззоқова.

Ё. ХУЖАМБЕРДИЕВ сурати.

МУСОБАҚА КУНДАЛИГИ

ҚАЙТА ИШЛАБ

● Тошбулоқ пойабзал фабрикасида болалар пойабзали ишлаб чиқарила бошланди. Бу маҳсулотни тайёрлашни кексалар учун пойабзал ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона режалаштирмаган эди.

Тошбулоқлик косиблар янги ишга қўл уришларига икки нарса — болалар пойабзалининг танқислиги ва омборларда жуда катта миқдорда кераксиз ярим фабрикатлар тўпланиб қолганлиги сабаб бўлди. Фабрика собиқ раҳбариятининг таъбир жоиз бўлса, хўжасизлиги шарофати билан 30 минг сўмлик тоғ-тоғ хом ашё анчадан буён бекор ётган эди.

Энди корхона мутахассислари бунинг ҳам йўлини топдилар. Сифатсиз хом ашёни ва яроқсиз деб топилган ярим фабрикатларни қайта ишлайдиган махсус цех ташкил қилинди. Бу цехда 14 киши ишлайди. Улар қисқа муддат ичида омборларни бекорчи хом ашёдан бўшатишга муваффақ бўлдилар. Ҳозирнинг ўзидаёқ савдо тармоғига болалар учун тикилган 33 минг жуфт жажжи пойабзал жўнатилди.

ИНСОН ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИК

● Сирдарёдаги автобус-таксомотор парки коллективи ўз физиотерапия хонасига эга бўлди.

Корхона маъмурияти ва касаба союз комитети ана шундай ташаббус кўрсатишди. Бундан авваллроқ автобус-таксомотор паркида ҳавзали сауна ишлай бошлаган эди. Ошхона хизмати яхшиланди. Ошпазлар таомларнинг хилма-хил бўлишига, дастурхон йил давомида витаминларга бой бўлишига эътибор беришяпти. Корхонанинг ҳар йили тўрт тоннадан тилларанг мева етказиб берадиган ўз лимонзори ҳам маҳсулот билан мунтазам таъминлаб турибди.

МУАММО ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА

● Ҳозир Косонсой пойабзал фабрикасига ишга кираётганлар айни пайтда квартира олиш учун ҳужжат расмийлаштиришлари ҳам мумкин.

Бундай одатдан ташқари ҳолнинг изоҳи оддий: бу ерда бўлажак ишчилар учун уй-жой тўғрисида олдиндан ўйлаб қўйишган — янги корхона ишга қабул қилиш тўғрисида эълон бермасидан олдиноқ иккита йирик панелли уй фойдаланишга топширилган эди.

Фабрикада яқин вақт ичида уй-жой масаласини тўла ҳал қилиш мўлжалланмоқда. Барча қулайликларга эга бўлган ўнта коттеж қуриб битказиляпти.

(ЎзТАГ).

● *Хўжаликни янгича юритиш сабоқлари*

ҲАМЖИҲАТЛИК

Янгиқўрғон районидаги «Узплодоовошчтранс» бирлашмасига қарашли 6-автокорхонанинг ташкил этилганига атиги ўрт йил бўлди. У ўз хизмат мавқеи жиҳатидан Наманган областида эмас, балки республикамизда ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Қисқа даврда корхона ўзини ҳар томонлама ўнглаб олди. Ҳозир унинг ихтиёрида ҳўл мева, узум ва бошқа мевасабзавот маҳсулотлари ташишга ихтисослашган 150 га яқин қудратли транспорт воситалари, шу жумладан 70 та рефрижераторлар бор. Бу техникалар коллектив пудрат усулида меҳнат қилаётган 10 та бригада ихтиёрига берилган. Корхонанинг Наманганда 2 та, Андижонда битта автоколоннаси мавжуд.

Корхона коллективи Иттифоқимизнинг Москва, Ленинград, Чита, Красноярск сингари узоқ шаҳарлари аҳолисига мевасабзавот маҳсулотлари етказиб беришга даъват этилган. Бу ерда ўзбек, рус, украин, корейс, тожик, татар, қозоқ ва бошқа миллат вакилларига мансуб кишиларни учратиш мумкин. Улар доим бир оила фарзандларидек иноқ ва ҳамжиҳат иш юритишяпти.

Аҳиллик бор жойда меҳнат ютуқлари кўп бўлаверар экан. Улар белгиланган плантопшириқларни мунтазам ошириб уддалашмоқда. Масалан, ўтган йил 2 миллион 250 минг сўмлик буюртма ишлари бажарилди. Кўзда тутилганидан икки ҳисса кўп фойда олинди. Рентабеллик даражаси планда 2,4 фоиз ўрнига 4,5 фоизга ўсиши таъминланди.

— Эришилган натижалар чегара эмас, — дейди корхона директори В. Исоқов. — Коллективимиз доимо изланиш йўлидан боряпти. Ўтган йил май ойидан 15 та автотранспорт ижара пудратига ўтказилган эди. Бу йилдан бошлаб корхона бўйича шу илғор усулда ишлашни мақсад қилганмиз. Зеро, иқтисодий ислоҳот талаби ҳам шундай.

Яқинда, аниқроғи, декабрь ойида корхона янги жойга кўчиб ўтди. Бу ерда барча шарт-шароитлар замонавий асосда йўлга қўйилган. Келгусида корхона аҳли учун спорт комплекси, замонавий ишчи-хизматчилар шаҳарчаси бунёд этилади.

Транспортчилар коллективида ўз бурчини виждонан бажариб, кўпчиликка ибрат бўлаётган илғорлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Бу борада коммунистларнинг ташкилотчи ва ташаббускор бўлаётганлиги диққатга сазовор. Жумладан, Шарифжон Охунов, Тошпўлат Чолинов, Абдубаннап Нормирзаевлар сингари ҳайдовчилар смена нормаларини 1,5—2 ҳисса ошириб бажаришяпти.

Айни кунларда корхонада боғ-узумчиликка ихтисослашган колхоз ва совхозлар билан алоқани мустаҳкамлаш, шартнома мажбуриятларини муддатида бажариш юзасидан аниқ тадбирлар белгиланди. Буюртмачиларга ўз вақтида юк ташиб берилмоқда.

С. ТУРҒУНОВ.

Наманган области.

МУКОФОТГА— МАШИНА

◆ Ғиждувон районидаги «Кўкча» қоракўлчилик совхозининг Қизилқумдаги отарлари ўртасидаги масофа юзлаб километрни ташкил қилади. Шунинг учун ҳам совхоз директори А. Насимовнинг «УАЗ» машинаси 5-6 йил ичида адойи тамом бўлганди.

Аммо янги машина сотиб олишга ҳожат қолмади. Яқинда Бутуниттифоқ Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси бош комитетининг қарори билан совхоз иккинчи даражали диплом ва янги «УАЗ» машинаси билан мукофотланди. Хўжалик бўндай мукофотга 1988 йил якунлари бўйича сазовор бўлди. Ушанда ҳар юз бош совлиқдан 111 бош қўзи олишган, 93,2 тонна жун топширилганди.

Ўтган йили бу натижалар янада яхшиланди. Ҳар юз совлиқдан олинган қўзилар сони 112,7 бошни ташкил қилди. Давлатга сотилган жун 94 тонна бўлди. Айни маҳалда совхоз чорвадорлари яқинлашаётган қўзилатиш мавсумига пухта ҳозирлик кўришмоқда.

Н. НАИМОВ.

КОСМОНАВТЛАР ЕРГА ҚАЙТИБ ТУШИШДИ

Космонавтлар Александр Викторенко билан Александр Серебров «Мир» илмий-тадқиқот комплексида режалаштирилган ишларни бажарганларидан сўнг 1990 йил 19 февраль куни Москва вақти билан соат 7 дан 36 минут ўтганда Ерга қайтиб тушишди.

«Союз ТМ-8» космик кемаси ушбу ишларни давом эттирмоқдалар.

«Мир» орбитал комплексининг асосий бешинчи экспедицияси экипажи бажарган ишлар режаларига геофизик, астрофизик ва тиббий-биологик тадқиқотлар, биотехнологик ва техникавий тажрибалар киритилган эди. Ернинг табиий ресурсларини тадқиқ этиш ва атроф-муҳитни ўрганиш режаларига мувофиқ турли фотоаппаратлар ва спектрометрлардан фойдаланиб, икки юзга яқин тажриба ўтказилди.

Учиш давомида астрофизик тадқиқотлар олиб борилди. Ихтисослашган «Квант» модулининг халқаро «рентген» обсерваториясидаги ёрдамида тажрибалар давом эттирилди.

«Ғаллар» технологияси қурилмасида истиқболли электрон асбобларни яратиш учун юқори сифатли ярим ўтказгичли материалларнинг тажриба-саноат ишлаб чиқаришга базавий технология жараёнларини пишиқтириш юзасидан белгиланган тадқиқот режалари бажарилди. Биотехнология тажрибаларни режасига кўра, дори-дармонларни электрофорез усулида тозалаш технологиясини пишиқтириш юзасидан тажрибалар ўтказилди. Оқсил бирикмалари монокристалларининг тажриба туркуми олинди. Космос биотехнология янги соҳасини бошлаб берадиган дурагай ҳужайралар-продуцентларни вазиқсизлик шароитида ҳосил қилиш самарадорлигини ўрганишга доир тадқиқотлар туркуми бажарилди.

Савдо-сотиқ бинтмига мувофиқ АҚШда тайёрланган аппаратдан фойдаланган ҳолда дастлабки биотехнология тажрибаларни ниҳоясига етказилди. Космик парвоз шароитида ўсимликлар ва сув ости ўсимликлари ривожини, шунингдек ўсимлик дунёси ва ҳайвонот дунёси ҳужайра тўқималари тузилмаларидаги ўзгариш жараёнларини ўрганиш мақсадида катта ҳажмда биологик тадқиқотлар бажарилди.

Учувчи бошқарадиган станцияларда олий ўсимликлар, шу жумладан буғдой ва кўкатларни етиштиришнинг турли шароитларини пишиқтиришга доир тажрибалар олиб борилди.

166 кун давом этган вазиқсизлик ҳолатида экипаж аъзолари муттасил равишда тиббий текширувдан ўтказиб турилдилар. Учишнинг турли босқичларида одамнинг иш қобилияти ва унинг аҳволи тўғрисида янги маълумотлар олинди.

Орбитал комплекс таркибига ихтисослашган «Квант-2» модулининг киритилиши тадқиқотлар ва тажрибалар ўтказиш имкониятини анча кенгайтирди. Космонавтлар янги модулни ишга ҳозирладилар, илмий аппаратлар ва ускуналарни бўлажак ишларга тайёрладилар.

Экипаж ўз парвози вақтида очиқ фазо кенглигига беш марта чиқди. Космонавтлар орбитал комплексининг ташқи юзасига геофизик тажрибалар ўтказиш, тузилиши жиҳатидан турлича бўлган материалларнинг намуналарига очиқ фазо омилларининг таъсирини ўрганиш мақсадида янги аппарат ўрнатдилар. Янги андозада бичиб тайёрланган скафандрлар, космонавтнинг ҳамда «Квант-2» модули махсус кўтарма бўлинмасининг мустақил ҳаракат қилиши учун мўлжалланган қурилмалар синовдан ўтказилди.

Бешинчи асосий экспедиция экипажи бажарган ишларнинг натижаларидан мамлакат илм-фани ва халқ хўжалиги турли тармоқларида фойдаланилади.

ТАСС ахбороти

Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети «Пахта» ишига доир жиноятлар натижасида қилинган ўғирликлар ва етказилган моддий зарарнинг судлар ҳукмида эълон қилинган миқдорлари ҳақиқийлигини чуқур ўрганиш мақсадида комиссия тузди. Комиссияга республика Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков бошчилик қилмоқда. Комиссия составига Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг тайёрлиги пухта, малакали ходимлари киритилган:

Комиссия иш бошлади ва бу ишни олти ой давомида туталлаш мўлжалланмоқда.

САЙЛОВ БЎЛИБ ЎТДИ

Тошкент районидаги «Ленин йўли» колхозида жойлашган 13-сайлов участкасида сайловчилар фаоллик кўрсатишди. Суратда: овоз бериш пайти.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ сурати.

(Давоми. Боши биринчи бетда).

АНДИЖОН ОБЛАСТИ

● Ленинск шаҳридаги кўҳна Оқбўйра қишлоғининг аҳолисини карнай ва сурнай овозлари уйғотди, сайлоқ бошланганини эслатди.

Сайловчиларнинг наказига биноан, шу ўқув йилида қурилган уч қаватли мактаб биносига эрта тонгдан колхозчилар, қишлоқ зиёлилари тўп-тўп бўлиб, оила аъзолари билан кела бошладилар.

— Бизнинг участкамизда 2620 сайловчи бор, шундан 16 киши биринчи бор овоз бериши керак, — дейди сайлов участкасининг котиби, 32-мактаб ўқитувчиси А. Насриддинов.

Колхоз қурилишининг ветерани И. Асранов сайлов қутиси ёнига биринчилар қатори боради.

— Бу йил ёшим 80 га тўлади, — деди Исомиддин ота. Бугун республика Олий Советига 30-йилларнинг иккинчи ярмида ўтказилган биринчи сайлов эсимга тушмоқда. Ўшанда мен Мустаҳкам қишлоқ Советининг раиси эдим. Лавозимимга кўра мени сайлов округининг раиси этиб тайинлашди. Эсимда, биз республика ички ишлар халқ комиссарини депутат қилиб сайлаган эдик. Унинг номзодини бизга зўрлаб ўтказишган эди, албатта. Мен билан колхоз раисидан бошқа сайловчилардан ҳеч ким уни кўрмаган эди. Бугун ўтган сайловни бугунги кампания билан чоғиштирганда юртдошларимнинг онги жуда ошганини, жамиятимиз ва унинг сайлов системаси демократиялашиб бораётганини яқкол кўриб турибман.

БУХОРО ОБЛАСТИ

● Бухоро областидаги 165-Ленин сайлов округидан Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига тўрт номзод овозга қўйилди. Бу эса сайловчилар орасида ким кўп ҳурматга сазовор бўлса, ўша номзод ғалаба қозонишини кўрсатар эди.

Одамлар сайлов участкаларига ўзларини ташвишга солаётган муаммолар ҳал қилиниши учун умид билан келар эдилар.

Бухоро областида республика давлат ҳокимиятининг олий органига 40 мандат учун 102 номзод овозга қўйилди. 18 февраль куни ўн минглаб одамлар сайлов қутилари олдига келдилар. Улар қайта қуришнинг авангардида бўлишга, юксак ишончли оқлашга қодир эканлигини ўз меҳнати билан, ижтимоий фаолияти билан исботлаган номзодлар учун овоз бердилар.

Эндиликда сайловчилар Ўзбекистон ССР ва маҳаллий Советлар халқ депутатларидан областда ва республикада қайта қуриш жараёнларини жадаллаштириш юзасидан амалий фаолият кўрсатишларини кутмоқдалар.

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ

● Қашқадарё кооператив техникумида жойлашган 31-сайлов участкасида эрталаб саксон етти яшар А. Данилянга биринчи бўлиб овоз бериш ҳуқуқи берилди. Сайлов комиссияси номидан унга эсдалик совға топширилди.

Бюллетенларда халқ депутатлигига бир неча номзодлар бор эди. «Узхладоторгмонтаж» ремонт-қурилиш бошқармасининг электр механиги К. В. Гребешков ҳам Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига овозга қўйилган. Собиқ байналмилалчи жангчи жанговар мукофотлар билан тақдирланган.

— У муносиб депутат бўлади, деб ўйлайман, деди А. Данилян. — Мавжуд муаммоларни дадил ҳал этишига ишонаман.

Афсуски, область марказининг кўпгина округларида сайлов муқобил номзодларсиз ўтказилди. Область Советига биринчи бор руҳонийнинг номзоди овозга қўйилди.

НАМАНГАН ОБЛАСТИ

● Илгари одамлар, одатда, сайловчиларга аталган хоналарда тўхтаб қолишмас эди. Сайлов кунидан анча аввалроқ кимнинг сайланиши маълум бўлар эди. Бюллетенлар қутига ташланса бас эди. Энди номзодлардан қай бири меҳнаткашларнинг манфаатларини қаттиқ туриб сабот билан ҳимоя қила олишини сайловчиларнинг ўзлари танлаб олмоқдалар.

— Биз кўп йиллардан бери қишлоқ ва шаҳарнинг турмуш даражаси бир-бирига яқинлашаётганини таъкидлар эдик, — дейди Наманган районидаги қишлоқ врачи И. Низомов ўз фикрини ўртоқлашиб. — Ҳақиқатда эса бу соҳада ҳеч қандай силжиш кўринмас эди. Ўз қишлоғим мисолида фикр айтяпман. У область марказидан атиги уч километр нарида бўлса ҳам хонадонларимизга ҳамон газ киритилмаган, ҳатто ҳаммом ҳам йўқ. Даволаш муассасалари фақат юқумли касалликлар ва болалар шифохонасидан иборат. Бошқа ҳамма ҳолатларда ё шаҳарга, ё район марказига боришга тўғри келади. Депутатларимиз бу муаммоларни зудлик билан ҳал қилишлари керак, деб ўйлайман.

Наманган районидаги «Ленинград» колхозининг бригадири Ғ. Валиев ҳам ўзи овоз берган номзодлардан кўп ишларни кутмоқда. Уни ўйлантираётган нарса фақат битта: халқ вакиллари Советлар халқ депутатлари. Областда ва республикада қайта қуриш жараёнларини жадаллаштириш юзасидан амалий фаолият кўрсатишларини кутмоқдалар.

САМАРҚАНД ОБЛАСТИ

● Самарқанд университети биносида жойлашган ташвиқот пунктининг мудири, тарихчи Р. Азимов бундай деди:

— Сайлов нормал ўтди. Сайловчиларнинг катта гуруҳи эрталаб соат 7 даёқ овоз беришга келди. Улар орасида уруш ва меҳнат ветеранлари, студентлар, муаллимлар бор эди.

Овоз бериш хоналари олдида ҳатто одамлар навбат кутиб қолишди. Сайловчилар кимларнингдир номини ўчириб, бюллетенда «ўз номзодини» қолдирар эдилар. Энди танлаб олиш мумкин — кўп округларда бир нечадан номзод овозга қўйилмоқда.

Шаҳарда тартибсизликлар бўлди, деган овозалар самарқандликларни ҳайрон қолдирди. Ҳатто қандайдир хорижий радио станция комендантлик соати жорий қилинди, деб айтибди. Аммо овозалар овозалигича қолаверди. Улар сайловга халақит бермади.

— Биз депутатларимизнинг ишчи инсон ҳақида кўпроқ ғамхўрлик қилишлари учун овоз берамиз, — деди «Красний двигатель» заводининг ветерани, слесарь А. Мусинов. — Биз нарх-наво кўтарилишига, пул қадрсизланишига қаршимиз, уй-жой муаммоси тезроқ ҳал этилишини талаб қиламиз. Гап-сўзлардан ишга ўтадиган пайт келди.

СИРДАРЁ ОБЛАСТИ

● — Менинг кўнглим тўлмаяпти, — деди сайлов участкаси остонасида турган Жиззах шаҳар Совети депутатлигига номзод, шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси бош врачининг ўринбосари Э. Миразимов. — Рақиб йўқ!

Ҳа, одамлар сайловнинг муқобиллик асосида ўтказилишиниқ хоҳлайдилар. Умуман бу галги сайлов фаол ўтди. Аввалги йиллардан бунинг фарқи шу бўлдики, одамлар сайлов участкаларига бирон нарса харид қилиш илинжида эмас, балки депутатликка кўрсатилган номзодларнинг бирини ёқлаб овоз бериш учун келдилар.

Область Совети депутатлигига, бир жойни даъво қилаётган икки номзод ҳамкорликнинг яхши намунасини кўрсатди. Шаҳар байналмилалчи жангчиларининг «Саланг» уюшмаси раиси О. Қосимов билан «Тараққиёт» кооператив ишлаб чиқариш бирлашмасининг раиси Р. Хикматуллин сайлов якунларидан қатъи назар ўзаро ҳамкорлик қилишга аҳдлашиб олдилар. Кооператорлар ҳозирнинг ўзидаёқ Афғонистонда ҳалоқ бўлган уч байналмилалчи жангчининг оилаларига ёрдам бердилар.

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ

● Термиз сайлов участкаларида шаҳар сайловчиларининг асосий қисми 18 февраль тушгача овоз бериб бўлди. Овоз бериш пухта, уюшқоқлик билан ўтди. Бунинг сабабларидан бири шундаки, меҳнат коллективларида, истиқомат жойларида сайловолди ташвиқоти фаол олиб борилди.

Афсуски, ҳамма жойда ҳам шундай бўлмади. Темирйўлчилар клубида жойлашган сайлов участкасида овоз берувчилар Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзодларнинг фамилияларини яхши билишарди, лекин область, шаҳар ва посёлка Советларига кўрсатилган номзодларнинг фамилияларини бюллетенларни ўқигандан кейингина билиб олишди. Сайловчиларнинг ҳаммаси ҳам участка сайлов комиссиясидан ёзма таклифнома олмаганлиги маълум бўлиб қолди. Одамлар кимларнингдир нуқсонларини тузатиб, мустақил ҳаракат қилишларига тўғри келди.

Сурхондарёликлар ўзлари сайлаган кишилар республика Совет ҳокимиятининг олий органида ҳам, маҳаллий Советларда ҳам фаол ишлашига умид қилмоқдалар.

ФАРҒОНА ОБЛАСТИ

● 397-Октябрь сайлов округи сайловчиларининг бош қотиришларига тўғри келди. Бу округдан Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига бирданига олти номзод овозга қўйилган эди.

Сайлов қутилари олдига келган Фарғона фуранли бирикмалар химия заводининг ишчилари, бошқа коллективларнинг вакиллари сайлов куни ҳам ўз номзодларининг сайловолди программаларини қизғин муҳокама қилишдан тийила олмадилар, СССР Олий Совети учинчи сессиясининг иши тўғрисида, мамлакатдаги қайта қуриш жараёнлари ҳақида, айниқса миллатлараро муносабатлар масалалари хусусида фикрлашиб олдилар.

ХОРАЗМ ОБЛАСТИ

● Шарифа опа Отажонова халқнинг муносиб намояндаларига овоз бериш учун кўп сонли невара ва эвараларини етаклаб келди. Сайлов куни у роса юз ёшга тўлди. Шарифа опа қадимий Хоразм диёридаги кўпгина тарихий воқеаларнинг бевосита иштирокчисидир.

— Лекин шу вақтгача ҳозиргидек демократик сайлов бўлмаган, энди қаҳқиқий сайлов бўляпти. — деди у. Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига сайлов ўтказувчи 452-Хива сайлов округи бюллетенига учта номзоднинг фамилиялари ёзилган. Ҳар бирининг режалари қизиқарли. Хуллас, энг яхши номзодлар орасидан яхшисини танлаб олиш осон бўлмади.

Урганч районидаги «Пахтакор» колхозида овоз бериш уюшқоқлик билан ўтди. Эрталаб бўлиб ўтган тантанали митингда сут соғувчилар, механизаторлар, қишлоқ ўқитувчилари, кўп болали оналар сўзга чиқдилар. Улар халқ вакилларининг областда ижтимоий-иқтисодий ўзгартишларни амалга оширишдаги имкониятлари тўғрисида гапирдилар. (ЎзТАГ).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

● Азим Тошкент барвақт уйғонди. Муносиб фарзандлари учун овоз бериш мақсадида сайлов участкалари сари ошиқаётган одамларнинг фикри-зикрида бир туйғу. У ҳам бўлса, қайта қуриш ишига ҳисса қўшиш, ҳайрли чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаш, тинчлик ва турмуш фаровонлиги учун кураш саркорлари — ишончли вакилларга овоз бериш эди.

Киров районидаги 9-мактабда жойлашган сайлов участкаси ҳам овоз берувчилар билан эрта гавжумлашди. Магазин ва ошхоналар савдо-дастурхонларини ёзишди. Ҳамид Олимжон номидаги маданият уйи ҳаваскорлари ижросидаги дилрабо куй-қўшиқлар атрофга файз-тароват киритди.

Киров районидаги 5-сайлов округидан Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига ва маҳаллий Советларга бир неча номзод овозга қўйилган. Республика Олий Совети халқ депутатлигига кўрсатилган беш номзоднинг ҳар бири меҳнат билан ҳурмат-эътибор топган кишилар.

Шу куни сайлов участкасига саф-саф бўлиб келаётганлар чеҳрасида мамнуният, янгиланиш ва покланиш даврининг самараларидан бири — сайловнинг янгича мазмун касб этганидан кўнгиллари тўқ экани намоён эди.

П. АБДУЛЛАЕВ.

ҚАЙТА ҚУРИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

СССР Олий Советининг учинчи сессияси



Янги парламентимизда бўлаётган воқеаларни кўра била туриб, «қуруқ гапдан бошқа ҳеч нарса эмас» дейдиган кишилар ҳали ҳам борлиги ажаблантиради. Бу ёки сиёсий кўрлик ёки соғлом фикрга қасддан тазйиқ ўтказишга уринишдир. Олий Совет халқимизнинг кўз ўнгида қайта қуришнинг жуда катта жадаллаштирувчи омили бўлиб қолаётганлиги ҳаммага аён-ку.

Парламентнинг учинчи сессияси — ҳуқуқий давлат сари, инсонпарвар, демократик социализм сари қилинаётган ҳаракатнинг яна бир босқичи бўлди. Гап фақат мамлакатимизнинг турмуш кечириши учун Асосий қонун лойиҳаларининг бутун бир мажмуини муҳокама қилишдагина эмас. Биз бу ишга анчадан бери тайёргарлик кўрган, шунга яқинлашиб келган эдик. Ўзгартиришлар чоғида сиёсий масалалар пайдо бўлди. Улар жуда долзарб бўлиб қолмоқда. Бу ўринда энг аввало бутун дунёда катта қизиқиш билан кутиб олинган ғоя ҳақида — СССРда президент ҳокимияти муассасасини таъсис этиш ғояси ҳақида айтиш керак.

Агар эслайдиган бўлсак, бу дадил фикрни илк бор бошлиқлар эмас, балки КПСС Марказий Комитетининг 1990 йил февраль Пленумига қадар оддий одамлар айтишган, ушбу фикр Марказий Комитетнинг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури матнига алоҳида сатрларда зикр этилганди. Қонун чиқарувчиларга келганда эса, уларнинг баъзилари, жумладан регионлараро группаларнинг депутатлари анчадан бери президент ҳокимияти жорий этилишини талаб қилишаётганди. Хўш бу нима эди — сиёсий етукликми, олдиндан кўп нарсаларни кўра билишми? Ушбу группа раҳбарларининг ақлизаковатини ҳам, воқеалар ривожини олдиндан кўра олишларини ҳамма рад этиш қийин бўлса керак. Улар президент ҳокимиятини энг аввало ўзларининг узоққа мўлжалланган сиёсий мақсадлари билан боғлаган эдилар. Қандай бўлмасин, СССР Олий Советининг аъзолари ўртага қўйилган таклифга нисбатан ўз муносабатларини аниқлаб олишлари керак эди. Бу таклиф халқ орасида бўлганидек, бир хил қабул қилинмади, лекин баҳсларда, фикрлар курашида қонун чиқарувчиларнинг аксарият кўпчилиги ҳозирги сессияда СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари съездини чақириш имконияти тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш кераклигини айтишди. СССР халқ депутатларининг фавқулодда съездигина ички ларзалардан толиққан мамлакатимизда президент бўлиши керакми ёки бўлиши керак эмасми, деган масалани ҳал қилиш ҳуқуқига эга.

Сессия ишидаги фақат битта жиҳатни, ушбу масала муҳокама қилинаётган пайтда М. С. Горбачев тутган йўлни тилга олишни хоҳлардим. Назаримизда, у мунозара чоғида депутатларнинг бири сўзга чиқиб, мамлакатимизда бошқарувнинг президент шаклини таъсис этиш ғоясига қандайдир шубҳа билан қараб, ани «идоравий ўйинлар» билан бевосита боғлаганлигига қизғин, ҳаяжон билан луқма ташлаб, ўз муносабатини билдирди. СССР Олий Советининг Раиси бунга мамлакатимизда юзага келган вазият, ҳаётнинг ўзи мажбур этаётганлигини ва президентлик ўрни шахсан унга эмас, балки аҳвол тобора беқарорлашиб бораётган вазиятда энди яшай олиши мумкин бўлмаган давлатимиз учун зарурлигини залга дадил айтди.

Ахир, бу сабот-матонат юзага келаётган сиёсий вазиятга ленинчасига ўз вақтида муносабат билдириш санъатини эгаллаб олишнинг намунаси эмас-ми? Ленининг «ҳозирги пайтга» қай даражада эҳтиросли равишда даъват этганлигини эслайлик: бугун ҳали вақт бор, эртага эса кеч бўлади. Кўп депутатлар президент тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш чоғида мазкур масалани кечиктирмай ҳал этиш зарурлиги ҳақидаги таклифни қўллаб-қувватладилар.

Мунозаралар чоғида ҳаммага яхши таниш бўлган латвиялик депутат В. И. Алкснис ва нисбатан кам таниш бўлган қирғизистонлик депутат Г. А. Комаров бошчилигида «Иттифоқ» деб аталган депутатлар группаси тузилганлиги тўғрисида айтилган хабарни мамлакатимиз жамоатчилиги пайқаган бўлса керак, деб ўйлаймиз. Группанинг сиёсий мақсадларини фақат табриклаш мумкин. Федератив тузумни, СССРнинг яхлит давлатлигини сақлаб қолиш учун кураш, ажралиб чиқиш, миллатчилик ва шовинизмга қаршилик кўрсатиш шу группанинг асосий мақсадларидандир.

Ҳозир парламентда сиёсий мақсадлари ва манфаатлари жиҳатидан аниқ шаклланган учта — «аграрчилар», «регионлараро ҳаракат қилувчилар» ва «иттифоқдошлар» бирлашмалари бор. «Иттифоқдошлар» бошқа парламент группаларининг ҳаммаси билан кенг кўламда ва амалий ҳамкорлик қилишга тайёр эканликларини қатъий равишда айтдилар. Нима ҳам дердик, куч-ғайратларни бирлаштириш учун керагидан ҳам кўпроқ сабаблар бор. Мамлакатимиздаги муҳитнинг ўзи, шу жумладан депутатларнинг фикрлари уюшишни талаб қилмоқда.

Ҳар бир сессия халқ депутатидан жуда катта масъулиятни талаб қилади, бинобарин ҳозирги сессия бу жиҳатдан аввалги барча сессиялардан ўтиб тушаётгандек туюлмоқда. Бутун бошли жуда муҳим, асосли қонунларни қабул қилишнинг ўзи бўладими? Бундай қонунларсиз қайта қуриш йўлидан янада олға силжишни тасаввур этиш мумкин эмас. СССРда Мулкчилик тўғрисидаги ва Ер тўғрисидаги қонунлар уларнинг энг асосийларидир. Ушбу қонунларнинг лойиҳалари юзасидан қандай музокаралар бўлганлиги яхши маълум. Назаримизда қизиқарли бўлган баъзи жиҳатларнигина эслатиб ўтишни ҳоҳлардик.

Депутатлар мамлакатимиз учун оғир бўлган шу даврда ижроия ҳокимиятига ёрдам беришни жуда хоҳлашмоқда — бу бизнинг кузатувлардан чиқарган хулосаларимиздан бири. Маълумки, бундай манзарани ҳар доим ҳам кузата олмаган эдик. Қонун чиқарувчилар минбарга чиқишдан олдин у ёки бу қонун лойиҳасини ҳимоя қилиб, ҳукумат вакилларига қай даражада ишончсизлик билан саволлар беришганини эслайлик. Масалан, бу гал Мулкчилик тўғрисидаги Қонун лойиҳаси бўйича докладчига босиқлик билан, осойишталик билан нисбатан кам саволлар берилди. Эҳтимол, эндиликда ажойиб мунозарачи сифатида таниганимиз Л. И. Абалкин доклад қилгани учундир? Албатта, биз ҳаммамиз қонун чиқарувчилар билан ижроия ҳокимият ўртасида тўла уйғунлик фақат назарияда мавжудлигини яхши тушунамиз, чунки ҳаммаларнинг, шу жумладан халқнинг ҳам манфаати битта: ўзгартиришлар муваффақиятидир. Хўжалик юритиш ва бошқарувда янги таъсир доирасига эришмасдан ҳаётни яхшилаш мумкинми? Қонунлар социализмга зарур жўшқинлик бахш этиш мақсадида қабул қилинади.

Мулкчилик тўғрисидаги Қонун лойиҳаси муҳокама қилинаётган бўлинди. У тузатишлар ва қўшимчалар билан қабул қилинишига шубҳа билдириш қийин. Давлат мулки охир оқибатда ўзининг ҳақиқий эгасини топиши, уни мужмал кишилар эмас, ишнинг кўзини биладиган одамлар тасарруф этиши учун давлат мулкини тубдан янгилаш, изчил демократлаштириш зарурлиги равшан муаммо бўлиб турибди.

И. НОВИКОВ,
ТАССнинг парламентдаги мухбири.

Дунё овози

ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР

НЬЮ-ЙОРК, 19 февраль. (ТАСС). Олимларнинг бутун ер юзида «парник самараси» натижасида келажакда иқлим исиб кетиши тўғрисидаги ташвишли башоратларига қарамақаршн АҚШнинг жануби-шарқий районларида кейинги 30 йил мобайнида иқлим бирмунча салқинлашган. Шанба куни Янги Орлеан (Луизиана штати)да эълон қилинган федерал докладда ана шундай хулоса берилди. Океанограф Жорж Молиннинг тадқиқотларида умуман қайд этилган давр мобайнида АҚШнинг мазкур регионида ҳаво намлиги ошганлиги ҳам таъкидланган.

Бироқ, Америка фан тараққиётига кўмаклашувчи уюшмасининг мажлисида сўзга чиққан олимнинг айтишича, унинг тадқиқотлари натижалари бутун дунёда иқлимнинг исиши тўғрисидаги гапларнинг аниқ исботи эмас. Шундай, бўлсада, деди Моп, «Бу мазкур муаммо тевирасидаги мунозаларни жонлантириб юборишн керак».

СТАДИОНДАГИ ТЎҚНАШУВЛАР

ЛОНДОН, 19 февраль. (ТАСС). Белфастдаги «Виндзор-парк» стадионида «Линфилд» ва «Донегал селтик» футбол клубларининг учрашуви чоғида ана шу клубларининг ишқибозларн келтириб чиқарган тартибсизликлар натижасида 60 дан кўп киши, шу жумладан 48 полиционер жароҳатланган.

Хабар қилинишича, жанжални «Донегал селтик» клубининг ихлосмандлари, асосан Белфастнинг ғарбий қисмида яшовчи католиклар чиқарган. Улар «Линфилд» — «протестантлар командаси» ишқибозларига биринчи бўлиб ҳамла қилганлар. Ўзаро курашувчи клубларнинг ишқибозлари стадионда ажратилиб жойлаштирилганлиги ҳам наф бермади. Безорилар таш, буткилкалар отишган. Тўқнашув ҳаммаси бўлиб икки соат давом этган. Тартибни ўрнатиш учун полиция ҳатто пластик ўқларин ҳам қўллаган.

ЎЗИМНИ БИРИНЧИ МАРТА ҲАҚИҚИЙ СИЁСАТЧИ ДЕБ ҲИС ЭТДИМ

◆ Яқинда совет парламенти вакиллари Буюк Британияга сафар қилишган эди. СССР Олий Совети делегацияси аъзоларининг илгари мисли кўрилмаган фаоллиги, уларнинг бундан буёнги қонуншунослик фаолиятида ёрдам беришга қодир бўлган Британия парламенти аъзолари билан шахсий алоқалар ўрнатишга интилиши мазкур сафарнинг ўзига хос хусусияти бўлди. ТАССнинг парламентдаги мухбири В. Н. Шишлин Иттифоқ Советининг Меҳнат, нарх ва социал сиёсат масалалари комиссияси раисининг ўринбосари Р. А. УБАЙДУЛЛАЕВА ўзининг британиялик ҳамкасби, парламент аъзоси Э. Николсон билан хайрлашаётганида Раъно Аҳадовнадан сафар таассуротларини эшитиш имкониятига эга бўлди.

— Эмма билан учрашув хотирамда ўрнашиб қолди. Айтмоқчи, унинг аждодлари ҳам парламент аъзоси бўлишган. Аммо бу ўринда гап оилавий анъанада эмас, балки Британия парламентининг барча аъзоларига хос бўлган юксак даражадаги ишбилармонликдадир. Эмма Николсон хотин-қизлар ишлари, болалар соғлиғини сақлаш, умуман социал муаммолар хусусидаги қонунчиликда жуда катта тажриба орттирган. Хотин-қизлар ҳуқуқларига оид қонунчилик ишлари қандай эканлиги қизиқарли бўлди, албатта. Маълум бўлишича, Буюк Британияда қонун актлари нечоғли кўп бўлмасин, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини белгилаб берадиган бирон-бир ягона қонун йўқ экан. Хуллас, аҳвол биздагига ўхшаш, чунки бизнинг мамлакатимизда ҳам хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлилигини эълон қилган Конституциямизда 35-модда бор, холос. Шу тенг ҳуқуқлиликнинг кафолатлари ҳозирча фақат қоғоздагина бор, холос. Амалда эса бу тенг ҳуқуқлилик ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнига хотин-қизларни зўр бериб жалб этишга айланиб кетган, айни вақтда шунга яраша меҳнат шароитлари яратилмаяпти.

Ҳозиргача ҳам мамлакатимиздаги аёлларнинг 60 фоизи ўз фарзандларини болалар боғчасига жойлаштириш имкониятига эга эмасликларини айтишмоқда. Британияда ҳам бу муаммо ўткир бўлиб турганлиги маълум бўлди. Кўпгина инглиз аёллари худди ана шу сабабга кўра ишни давом эттира олишмаяпти.

Британиялик ҳамкасбларим аёлларнинг иш билан бандлиги, солиқ сиёсати, болалар соғлиғини сақлаш, никоҳ ва ажралишлар, демографик жараёнларга оид масалаларни қамраб оладиган батафсил ахборотни мен учун тайёрлаб қўйишган экан, бунинг учун улардан миннатдорман. Бу фақат ибратлигина бўлиб қолмай, комиссиямизга ишда амалий ёрдам ҳам беради.

Делегациямиз режага кўра, бажарган ишнинг ҳар бир банди мулоҳаза юритиш ва ишлаш учун жуда бой омил бўлади. Технологиясининг мукаммаллиги ва иш шароитининг ғоят яхшилиги билан бизни қойил қолдирган Ньюпортдаги пўлат эритиш заводида бўлдик. Кардиффдаги болалар спорт маркази мен учун деярли янгилик бўлди. Келажакка худди ана шундай муносабат бизнинг мамлакатимизда ҳам одатга айланиши керак. Ҳамма иш майда-чуйдасигача пухта ўйланган. Мактабгача ёшдаги болаларга мўлжалланган ўйинхонани назардан кечирдик. Болалар истаганча яйраб ўйнашлари, сакрашлари мумкин, чунки ҳамма нарса юмшоқ матолардан тайёрланган ёки Валлидаги халқ ижоди уйини олайлик. Назаримда, бу музей ўз халқи маданияти, анъаналари, тарихини асраб-авайлашга муносабатнинг намунасидир. Айни вақтда музей шунчаки расмий муассаса эмас, бу ерда кўҳна анъаналарга кўра, нон ёпишади, темирчилик устахонасида эса қадимий шамдонлар ясашади. Булар бажонидил харид қилинмоқда. Бундан мақсад ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш эмас, балки ният сарбаланд ва муқаддасдир, яъни халқнинг завол билмас руҳини асраб-авайлашдир. Бундан ибрат олса арзийди. Чунки давлатимизда неча ўнлаб миллатлар ва элатлар яшамоқдалар.

Британия банқирлари, молия арбоблари, бизнесменлар билан учрашар эканмиз, иқтисодиётнинг самарали бозор дастурини вужудга келтириш учун имкони борича тезроқ қонуний негиз яратиш керак экан, деб ўйлаб қолдик. Улар ёрдам беришга, маблағ сарфлашга шай бўлиб туришибди, лекин биз ҳам ёрдамни қабул қилишга маънавий жиҳатдангина эмас, объектив тарзда тайёр бўлишимиз керак.

Ва ниҳоят, шу сафардаги энг катта таассуротим ҳақида гапирмоқчиман: мен, ҳойнаҳой биринчи марта, ўзимни сиёсатчи деб, ўз мамлакатимнинг тўла ваколатли вакили деб ҳис этдим. Демак, вакилнинг сўзи салмоқли, қарашлари эса британиялик шериклар учун қизиқарли бўлди, дейиш мумкин.

● АНГЛИЯ

ҚЎЛИ ГУЛ ТАЪМИРЧИЛАР

Икки ёш инглиз Селия Грегори ва Фиона Стоттонни Британия ороллари ахли таниши, улар сопол буюмлар таъмирчиларидир. Тетбари шаҳарчаси яқинида маъмурлар томонидан ўзларига ажратилган устахонада икки таъмирчи 1984 йилдан буён ишламоқда. Британия ороллариннинг турли бурчакларидан улар ҳузурига осора атиқа билан савдо-сотиқ қилувчилар, нодир сопол идишларни тўпловчилар, ким ошди савдосининг ташкилотчилари келмоқдалар. Селия ва Фиона ўз маҳоратлари билан XVII—XVIII аср усталари яратган асарларни таъмирлаб, одамларга қувонч бағишламоқдалар.

СУРАТДА: Фиона Страттон ўзи таъмирлаган XIX аср вазаси билан.

Камера пресс сурати.

ТАЪСИС КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Яқинда Тошкентда Ўзбекистон матлубот жамиятининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Конференция қатнашчилари янги жамоат ташкилоти истеъмол бозорини барқарорлаштиришга кўмаклашади, сифатли моллар ишлаб чиқаришга фаол ёрдам беради, нархларни асоссиз оширишга ва арзон молларни рўйхатдан чиқариб ташлашга қаршн курашади, деб таъкидлашди. Матлубот жамияти гражданларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилувчи мустақил, ўзини ўзи бошқарадиган жамоат ташкилоти бўлиши керак, деб ўқтирилди.

Конференция қатнашчилари Ўзбекистон матлубот жамияти программаси ва уставини қабул қилдилар. (ЎзТАГ).

Изласа—топилади

◆ Андижон области, Яқинда Ленин районидаги «Правда Востока» колхозида қувончли воқеа рўй берди. Кўплаб оилаларга шахсий томорқаларини кенгайтириш ҳамда якка тартибдаги уй-жойлар қуриш учун қўшимча ер участкалари ажратилди. Хўжаликда асосан пахта экиладиган майдонларни қисқартириш эвазига 265 гектар ер колхозчиларга тақсимлаб берилди.

Хўжалик жойлашган минтақада аҳоли ниҳоятда зич яшайди. Шу бонс бундай қарорга келишнинг ўзи бўлмади. У хўжалик правленнеси ва колхоз раиси Н. Мамажоновдан қатъий ҳаракатлар қилишни талаб этарди. Хўжалик аъзоларининг йилдан-йилга қўлга киритаётган ютуқлари уларга далда берди. Масалан, ўтган йили пахта ҳосилдорлиги пландагидан анча юқори бўлди. Демак, экин майдонлари қисқарганн билан барибир пахтага берилладиган давлат буюртмаси, барча аъзоси колхоз қанча кўп даромад қилса, ўзининг турмуш даражаси юқори бўлишини биларди.

Олинган даромаддан муҳтожларга шахсий уй-жойлар қуриб олиш учун арзимаган процентларда қарзлар берилмоқда.

Сиз мана бу суратда механик Толибжон Аҳмаджонов оилаларини кўриб турибсиз. Бу оилага 3 та ер участкаси берилган. Ҳозир оила аъзолари уй-жой қуришни аввал ким бошлашини ҳал этмоқдалар.

Б. ЮСУПОВ сурати

(ЎзТАГ).

БУ ЙИЛГИ ПАХТА ҚАНДАЙ?

Ўзбекистон ССР Статистика давлат комитети 1989 йилги ҳосил пахтасининг қайта ишланиши дастлабки якунларини чиқарди. Маълумотномада хабар қилинишича, республика қайта ишлаш заводларида пахтадан тола чиқиши ўрта ҳисобда 31,6 фоизни ташкил этди, бу нормадагидан 0,7 фоиз кўпдир.

Бир қарашда бу хабар қувончли кўринсада, лекин бунга маҳлиё бўлиб қолмайлик. Пахтадан ўтган йилги мавсумга нисбатан 0,6 фоиз кам тола олинган. 123 заводдан 92 таси ўшанда эришган ўрнидан пастга тушиб кетдилар, 18 та корхонада эса ҳатто пландаги кўрсатгичга эришилмаган.

Бу ҳолат пахтакорлар олдига ҳам пахта тозалаш саноати ходимлари олдига ҳам, жиддий масалаларни қўяди. Янги мавсумда пахтакорлар «оқ олтин» сифатини яхшилаш учун пахта етиштириш агротехника усулларига қатъий риоя қилишлари керак. Пахта тозаловчилар эса ҳозирнинг ўзидаёқ машина-ускуналарни созлаш ва технология интизомига риоя қилиш борасида шошилинч чораларни кўришлари зарур, токи материалларнинг ҳам, пулнинг ҳам исроф бўлиши камайтирилсин. Не машаққатлар билан етиштирилган ҳосилдан энг кўп тола олиниши керак.

(ЎзТАГ).

ТАЖРИБА ЎРГАНИБ

Агросаноат комплекси бошқармаси республика олий мактаби тингловчиларининг навбатдаги гуруҳи ишлаб чиқариш-иқтисодий таълим курсини тугаллади.

Бу гал Калинин ва Оржоникидзе районлари хўжаликларининг, шунингдек, Бекобод районидаги «Зафар» агросаноат комбинатининг 450 дан зиёд раҳбар ва мутахассис ходимлари қайта тайёргарликдан ўтди.

(ЎзТАГ).

ДАРСЛИКЛАРГА АЙЛАНДИНГИЗ...

(Биринчи муаллима, хурофот қурбони Тожихон Шерматовани эслаб)

Мен дунёнинг ярмин кўрдим, кўрдим унда хўрликни,
Ялт этган бир чироқни ҳам сўндирувчи зўрликни.

Унга достонлар бағишладилар. Унинг номини дарсликларда учратдим. Ҳусни баркамол бўлгани учунми? Йўқ! У маърифатга элтувчи даргоҳларнинг илк сўқмоғини очди. Илмга, зиёга ташна ғўдакларнинг қўлларига илк бор алифбе китобини тутқазди. Ватан, она сўзларини ўргатди. У бир қўли билан оила бешиғини, иккинчи қўли билан эса дунё бешигини тебратмоқчи эди. Яхшилик, олижаноблик, улуғворлик, эзгулик уруғларини сочиб, вояга етказмоқни орзу қилганди. Ана шу тилаклар уни йўлга бошлаган эди.

Эссиз, манзиллар бошида қолди у...

Ҳа, манзиллар бошида... Ҳаёлан у босиб ўтган қутлуғ йўлларга қарадим. Туғёнлар, зиддиятлар, ҳаяжонлар, муваффақиятлару изтиробларга тўлиғ эди улар. Энг муҳими, муаллима талай шогирдлар, маърифат жонкуярларини сафга қўшди.

Тожихон ая биринчи маърифатчигина эмас, «Ҳужум» ҳаракатининг ҳам фаолларидан. Биринчилардан бўлиб паранжисини улоқтириб ташлади. Маҳаллада очилган саводсизликни битириш мактабига ҳам биринчилардан бўлиб ёзилди.

13 яшар Тожихонни ўзидан бир неча ёш катта, севмаган кишисига турмушга узатдилар. Унинг юрагига дарз солган биринчи ларза ўшанда унинг орзуларини чилпарчин айлаган эди. Унинг юрагида биринчи армон ҳам ана ўшанда пайдо бўлган эди. Озодликка ташналик, бахтга интиқлик гоҳо ҳасратли қўшиқларга, гоҳо аччиқ кўзёшларга айланарди. Яхшиям-ки, саводсизликни битириш мактаби очилди. Тожихон Шерматовани бу умид масканига етаклаб келган ҳам ана шу армонлар эди. У мактабни битирди. Энди унинг ўзи (1927 йил) мураббийлик қила бошлади. Андижоннинг Артель маҳалласида очилган бу мактаб жуда ночор аҳволда эди. Ерга қоқилган қозиқларга михланган тахталар парта, уй эшиклари эса доска вазифасини бажарарди. Хотин-қизлар ўқишга бошларига чачвон, паранжи ёпиниб келардилар.

Тожихон ўз мактабига талабалар тўплаш учун бошига чачвон ёпинарди-да, маҳалла-маҳалла, эшикма-эшик ташвиқот ишлари билан юрарди. Негаки, хурофотчилар ёш қизлар, келинчакларнинг ўқишига тиш-тирноғи билан қарши эдилар. Тожихон аёлларнинг юрагига йўл изларди. Унинг ташвиқот, тарғибот ишларидаги саботлилиги туфайли бир неча ўн хотин-қиз хат-саводли бўлади. Борабора, Тожихон Андижонда илм-маърифат тарқатувчи муаллима сифатида танилди. Уни Орифхўжа қозининг давлат ихтиёрига олинган уйларида очилган 20-сонли мактабга муаллимликка қабул қилдилар. Тожихон талабаларни ўқитиш билан бирга ўзи ҳам шаҳардаги 4-сон мактаб қошида очилган муаллимларни қайта тайёрлаш курсида ўқиб, педагогик маълумот олди.

1930 йил баҳорида қишлоқ хўжалик артели ташкил топди. Тожихон биринчилар қаторида аъзо бўлиб кирди. Артель правленнеси ва партия ташкилотига аёлларни коллектив хўжалик ишига уюштириш ва уларнинг меҳнатини ташкил қилишдек масъулиятли вазифани ишониб топширди. Саводсиз аёлларни мактабга жалб этишдек масъулиятли иш билан шуғулланди. Бу иш осон эмас эди. Бошига чачвон, паранжи ёпинган аёлларни артелга жалб этишнинг ўзи бўлмасди. Тожихон буни уддалади. Уларнинг юрагига чироқ ёққандек бўлди. 8-март куни эди. Аёллар артель ҳовлисига гулхан ёқдилар. Гулхан ичкарининг мудҳиш одатларини, чиркин қабоҳатларини ёндирмоқ мақсадида ёқилди. Бу гулхан бағрида қанчадан-қанча паранжилар ёниб кул бўлди... Янги тузилган артелга аёлларнинг ўзи «8-Март» деб ном қўйдилар. Тожихон пиллачилик ишларига ҳам раҳбарлик қилди. Илғор пиллакорлар қаторида катта анжуманларда иштирок этди.

1932 йилда партия ва ҳукуматимиз шаҳардаги муаллимларни қишлоқ ёшларини ўқитиш ва саводсизликни тугатиш ишига ҳисса қўшишга чақирди. Тожихонни Кулла қишлоғида ташкил қилинган бошланғич мактабга муаллима қилиб юборишдилар. Муаллима ҳаётида энг долғали даврлар бошланди. Хурофотчилар қишлоқ муаллимасининг пайига тушган эдилар.

Кузнинг салқин кечаларидан бирида Кулла қишлоғидаги хонадонлардан бирида чироқ ўчмаганди. Муаллима китоб мутолаа қилиб ўтирарди. Эшик зарб билан очилди-ю, шам чироқ ҳирпираб кетди. Тожихон сапчиб ўрнидан турди. Юзига қора ниқоб тортилган кимса рўбарўсида мудҳиш ўлим шарпасидек ваҳима солиб турарди.

— Шу бугунок қишлоқни ташлаб кет! Ёш экансан, жувонмарг бўласан. Бир кун муддат ичида жўнаб кетмасанг, ўзимиз қорангни ўчирамиз..., — деди ниқобли одам.

Ниқобланган кимса жавоб ҳам кутгани йўқ. Даҳшатли тун қўйнига шўнғиди-ю ғойиб бўлди.

Бунингсиз ҳам тунлари бедор Тожихоннинг бутунлай уйқуси ўчди. У шамчироқ қаршисида ўтириб, мижжа қоқмай тонг орттирди. Тун ва тонг оралиғида ёш муаллима жон ҳовучлаб ўтирмади. Йўқ! Орзу чироқлари юрагини ёритди. Ҳазрати Навоийни ўқиди. Инқилоб куйчиси Ҳамзанинг ҳаётини хаёлан кўз ўнгига келтирди. Тоғлар оралиғида тош бўрон қилинган инқилоб шоирининг ҳаётини эслади, унинг жасурлигидан фахр қилди. Шоирнинг ўз халқига, илми толибларга ёзиб қолдирган ғазалларини овоз чиқариб баралла ўқиди.

Эрур илму адаб, фазли ҳунар асари мактабдин,
Етар ҳар рутбаи олий эса такрор мактабдин.
Ҳамма илму маориф ганжини деворидир мактаб,
Ҳамма ҳикмат чиқар бу маҳзани асрор мактабдин.

У тонг билан ўқувчилари ҳузурига, жонажон мактабига йўл олди. Не кўз билан кўрсинки, кечагина болаларнинг шўхликлари, кулгулари билан обод бўлган мактаб биноси кўз ўнгида ловуллаб ёнарди. Болалар қий-чув қилишиб, муаллимани ўраб олишди. Сабоқ олгани келган болаларнинг юрагини ўкинч, алам тўлдирди. Қишлоқ аҳли аллақачон тўпланиб ёнаётган оловга челакларда сув сепардилар.

Тожихоннинг юрагига иккинчи бор дарз солган армон бу — ўша мактаби ёнган тонг, ўлим шарпасини олиб келган тун эди. Муаллима тунги ўша ниқобли шарпани эслади, эзилди. Нега Турсунойни ўлдирдилар? Санъатни севгани учун. Нега Шахриҳонни қудуққа ташладилар? Қўшиқни севгани учун, муҳаббатни ёқлагани учун. Нега Нодирабегимнинг сочлари қирқилди? Нега Маҳзуналар йиғлаб ўтдилар? Нега? Муаллиманинг кўз ўнгида мактаб ёниб кул бўлди. Унинг мўриси-ю, лой деворлари қолди, холос. Мактаб ёнди. Аслида Тожихон опанинг дили ёнди, орзулари ёнди. Унинг кўзларида ёш ғилтиллади. Лекин кўз ёшлари билан оловни, дарду изтиробни ўчириб бўлармиди. Сабоқ нима бўлади? Болалар энди қаерда ўқийдилар? Ана шу савол Тожихоннинг ҳаёлида чақмоқ чаққандай бўлди. Дарслар тўхтамайди, сабоқлар ёнмайди, орзулар ўлмайди... Муаллиманинг лаблари алам билан шивирлар, ўзи эса талабаларини бирбир юз-кўзидан ўпар, бағрига босиб юпатарди.

— Юринглар болаларим! деди муаллима ва болаларни уйига олиб келди. — Бу кундан бошлаб сабоқни шу ерда оласиалар.

Кунлар шу зайл ўтаверди. Муаллима ўз талабаларига сабоқ беришда давом этди. Мактабларда дарсликлар, ўқув-қуроллари, дафтарлар етишмасди. Тожихон ўзи ўқитувчилик қилаётган Кулла қишлоғидан қариндошларини кўриб келиш ва ўқув қуроллари сотиб олиш учун Андижонга жўнади. У шаҳарда бир неча кун бўлди, керакли дарсликларни харид қилди. Куллага, ўқувчилар ҳузурига ошиқди.

Ўқиш бошлангандан буён етти кун ҳам ўтди. Муаллимадан дарак йўқ. Қишлоқ зиёлилари, комсомолларидан қидирув группаси тузилди. Улар Тожихоннинг қариндошларидан сўраб-суриштирдилар. 17 кундан кейин «Катта довон»дан ўтувчи йўл четида, жилғанинг сел ювиб кетган чуқур жойидан унинг ғижим рўмолини топишди. Биринчи муаллима, маърифатпарвар инсон, ажойиб меҳрибон аёл 38 ёшида ана шундай ҳалок бўлди.

Кулла қишлоғида ёндирилган мактаб ўрнида янги мактаб барпо бўлди. Ҳар гал биринчи қўнғироқлар олдидан муаллиманинг мўътабар номи хотирга олинади. Мактаб биринчи муаллиманинг номи билан аталади... Мактаб саҳнида Тожихон Шерматованинг оқ мармардан ишланган бюсти бўлишини орзу қилган ўқувчилар бир неча йилдирки, ўз орзуларини айтиб келадилар. Бу гал ҳам ана шу орзуларини эслатдилар. Маърифат учун ўз жонини носир этган аёлнинг ёркин хотираси наҳот биргина бюстга арзимайди?

Муаллима сочган илм уруғлари ҳам униб чиқди, ҳосил берди. Унинг талай шогирдлари эл хизматида бу кун. Улар орасида Тожихон опанинг ўғил-қизлари ҳам бор. Уларнинг ҳаммаси олий маълумотли. Фарзандлари оналари бошлаган илм-маърифат йўлини танладилар. Меҳрихон Ашурова олима, Андижон педагогика институтида катта ўқитувчи. Зуҳрахон Ашурова шаҳардаги 46-мактабда ўқитувчи. Ваҳобжон Ашуров, Раҳбархон Ашуровалар ҳам бутун меҳнат фаолиятини педагоглик ишига бағишлаганлар.

Улар биринчи муаллима, маърифат соҳибаси бўлган оналари бошлаган йўлни давом эттириш билан унинг хотирасини эъзозлаб асраб келмоқдалар. Ҳа, Тожихон опа ёққан чироқ ҳамиша муннаввар.

Эътибор ОХУНОВА.

МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

Бўрдоқибоқарлар зафари

Косон районидаги «Гулбоғ» совхози бўрдоқибоқарлари биринчи квартал планини муддатидан илгари ошириб адо этишди.

Давлатга пландаги 25 тонна ўрнига 25,4 тонна маҳсулот сотилди. Гўштга топширилган ҳар бир қорамолнинг ўртача тирик вазни 430 килограммдан ошди.

Эришилган ютуққа Ойбуви Ғаффорова етакчилигидаги ферманинг Раҳмат Юсупов бошлиқ бригадаси катта ҳисса қўшди.

И. УСМОНОВ.

Эртаки картошка экиб бўлинди

Қамаши районн деҳқонлари қиш фаслининг илиқ кунларидан фойдаланиб, 82 гектар майдонга картошка уруғи қадашди.

Бунда «Чимқўрғон» совхози картошкакорлари ибрат кўрсатишди. Улар мўлжалдаги 10 гектар ўрнига 20 гектар ерга сифатли уруғлик экишди. Шунингдек, район бўйича 13 гектар майдонга пиёз уруғи ҳам экилди.

Н. ГАНЧЕВ-ГАНИЯ.

Илғорлар сафида

Ўзбекистон касаба союзлари республика кенгашига қарашли Оржоникидзе районидаги «Троицкий» ёрдамчи хўжалиги коллективи кейинги йилларда анча ибратли ишларни амалга оширмоқда.

Пудрат, ижара пудрати жорий этилганлиги туфайли сигирлар маҳсулдорлиги тобора ошиб бораётир. Аввалари ҳар бир сигирдан 1700-1800 килограммдан сут соғиб олинган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич 3550 килограммдан ошмоқда. Муҳаббат Раҳимова, Таня Ковренко, Кенжагул Жамбоева сингари сигирсоғарлар қиш кунларида ҳам ҳар бир сигирдан 14-16 килограммдан ошириб серқаймоқ маҳсулот олмоқдалар. Шу сабабли ҳам ҳозир уларнинг маошлари 230-250 сўмни ташкил этмоқда.

З. АВАЗОВА.

Ғаллаорол районидаги Ленин номли совхоз сут-товар фермасининг илғор сигирсоғари Салима Ражабова айни кунларда боқимидаги 24 сигирнинг ҳар биридан 7-8 килограммдан серқаймоқ маҳсулот олмоқда.

Суратда: илғор соғувчи Салима Ражабова.

У. ҚУШВОҚОВ сурати.

ҚОНУН ВА АҚЛ-ИДРОК УСТУН БЎЛСИН

ЎЗБЕКИСТОН АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ РЕСПУБЛИКА МАХСУС МАТБУОТ ГРУППАСИ ХАБАР БЕРАДИ

Миллионлаб совет кишилари Озарбайжон, Арманистон, Душанбеда бўлаётган фожиали воқеаларни эшитиб, юраклари эзилмоқда. Миллатлараро муносабатларнинг кескинлашуви — жамият ҳаётидаги хавотирли аломатдир. Ҳар хил миш-мишлар тарқатилаётгани сабабли аҳвол яна ҳам чигаллашмоқда, бундан кўзда тутилган мақсад битта, у ҳам бўлса аҳволни кескинлаштириш, вазиятни беқарор қилишдир. Тошкентда ҳам овозалар тарқалиб турибди. Бу миш-мишларда жон борми! Вазиятни кескинлаштириш, турли миллатларга мансуб кишилар ўртасига нифоқ ва ишончсизлик уруғини сочиш кимга керак бўлиб қолди! Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси Ш. Р. ШОАБДУРАҲИМОВ ЎзТАГ мухбири билан суҳбатда ана шу ва бошқа саволларга жавоб берди.

— Тошкентда айниқса сўнгги кунларда республика пойтахтига Болтиқбўйи, Озарбайжон ва Арманистондан жуда кўп одамлар келишяпти, деган миш-мишлар тарқатилмоқда. Чунончи, кеча Душанбедан қочоқлар тўшган бутун бошли поезд келди, деган овоза тарқалиб қолди. Бундай шов-шув гапларни экстремизм кайфиятидаги гуруҳлар тарқатишди, уларнинг мақсади тошкентликларни ғулғулага солиш ва нарозилик уйғотишдир. Афсус надоматлар билан айтишим керакки, пойтахт аҳли ҳали зарур уй-жой маиший шароитлар билан таъминланмаган. Одамларнинг ҳиссиётини кўзғатишга уринмоқдалар: четдан кишиларнинг келиши шаҳардаги ижтимоий масалаларни ҳал этишни мураккаблаштириши мумкин.

Ана шундай кайфиятларни қиздириш учун муайян гуруҳлардаги одамлар уйдирмалар тўқиб чиқаришмоқда. Куни кеча Ҳамза районидаги Ғалабанинг 40 йиллиги номли ва Акмал Икромов районидаги Бирлик массивларида бир қанча варақалар пайдо бўлди. Бу варақаларда, гўё Болтиқбўйидан Тошкентга 17 минг киши келгани, булар учун барча шарт-шароит муҳайё этилгани, уларга уй-жой, иш топиб берилгани ёзилган эди. Озарбайжон ва Арманистонда содир бўлган воқеалар даврида худди шунга ўхшаш ваҳимали овозалар тарқалди: гўё уч минг арман келаётганмиш. Арманистондан қочоқлар тушган икки эшелон йўлдамиш, бу кишиларга, «Алгоритм» массивида, Чилонзорда, Сергелида неча юзлаб квартиралар тахт қилиб қўйилганмиш. Буларнинг ҳаммаси асосланмаган миш-мишлардир. Бундай фактлар ўрни тагида йўқ.

Яна бир нечта мисолларни айтиб ўтмоқчиман. Маълумки, Ленинград шаҳри ва Ленинград области билан ўзаро фойдали маҳсулот етказиб бериш тўғрисида шартнома тузилган. Ленинградликлар бизга жуда зарур бўлиб турган қурилиш материаллари, металл ва станоклар ҳамда республика ва шаҳарни ривожлантириш учун керак бўлган бошқа ускуналарни жўнатадилар. Ёзда, айни пишиқчилик пайтида эса Нева бўйидаги шаҳарга биз сабзавот ва мева жўнатамиз, ҳисобли дўст айрилмас, дейишганидек, бир тийин ҳам беҳуда сарфланмайди. Бу орада кимдир республика ҳукуматининг ана шу қароридан хабар топиб, Ленинграддан ходимлар тушган бир неча эшелон келяпти, деган овозани тарқатди. Ленинград шаҳрининг ўзида ишчилар етишмей турганига қарамай, ана шу уйдирма тарқалиб кетди.

Душанбе — Тошкент поезди келиши олдидан яна бир одам, гўё, Душанбедан қочоқлар тушган бутун бир состав келяпти, деган овозани тарқатди... Поездни текшириб кўришсаки, буларнинг ҳаммаси ғирт ёлғон экан. Поезддан арман миллатига мансуб икки киши тушди, улар Ереванга жўнаб кетиш учун билет олишган экан, эрталаб самолётда учиб кетишди.

Ёки яна бир воқеани тилга олиш мумкин: Умаров деган бир киши қўнғироқ қилиб, «Ўрток» кондитер фабрикаси ёнида «Жигули» автомашинаси келиб тўхтагани, шу машинадан тушган йўловчилар эса қочоқлар қаерга жойлашди, деб суриштиришганини айтди. Хўш, бундан мақсадингиз нима, деб сўрашганида эса ўша номаълум кишилар машинага ўтириб жўнаб қолишди. Айтмоқчи, бу ерга қочоқлар келишмаган. Бу саросимага солиш, чўчитишнинг усулларидан биридир. Чилонзорда бир миш-миш тарқалиб қолди: гўё участка вакили кимгадир «Алгоритм» массивида Болтиқбўйидан келган 10 та оила жойлашганини айтган эмиш. Капитан Ф. Мамбетов шу мавзуда ҳеч ким билан ҳеч қачон суҳбатлашмаганини айтди. Кўрсатилган квартиралар текшириб чиқилди. У ерда бундан уч—беш йил муқаддам шу уйлар қуриб битказилган пайтда кўчиб кирган оилалар яшамоқда.

Тошкентлик С. Б. Жагарьян Ленин район ички ишлар бўлимига шикоят ёзиб, ўзининг почта қутисидан бир хат олганини, ўша мактубни ёзган кишилар ё 5 минг тўлаясан, ё ўлдириб кетамиз, деб дағдаға қилишганини маълум қилди. Милиция ходимлари таъмагирни пул олаётган вақтда қўлга туширишди. Бу товламачи илгари судланган, ҳеч қаерда ишламаётган кимса, яъни ўша С. Б. Жагарьяннинг қўшниси экан. Тезеков бозорида бир одам юртдошларимизга ёрдам берайлик, деган баҳона билан озарбайжонлардан 100 сўмдан йиғибди. Пул беришга унамаган бир кишини эса калтаклабди. Бу муттаҳам ушлангандан кейин у етти марта судланганлиги аниқланди.

Ҳозир бош кўтараётган унсурларга кескин зарба бериш керак. Ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари жамоатчиликнинг фаол иштирокида ана шундай унсурларни аниқлаш юзасидан иш олиб бормоқдалар. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Жамоат тартиби ва гражданларнинг хавфсизлигига қарши қаратилган ҳаракатлар учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги Фармонини мамнуният билан кутиб олдилар.

— Ўз вақтида чиқарилган Фармон, — деди 1931 йилдан КПСС аъзоси, республика аҳамиятига молик шахсий пенсионер П. М. Неровний.— Ёлғон миш-мишлар тарқатаётган, миллатлараро ихтилофларни авж олдираётганлар йўлини тўсиш вақти етди. Жамият муқаддас туйғу — халқлар дўстлигига путур етказаётганлардан муҳофаза қилиниши керак. Бундай кишиларни энг қаттиқ қонунлар билан суд қилиш зарур. Фарғона воқеалари акс-садоси такрорланмаслиги лозим.

(ЎзТАГ мухбири).

ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ ПОСБОНЛИГИДА

Фарғона области меҳнаткашлари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Жамоат тартибига ва гражданлар хавфсизлигига қарши қаратилган ҳатти-ҳаракатлар учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги Фармонини мамнуният билан кутиб олдилар.

— Ўз вақтида чиқарилган Фармон, — деди 1931 йилдан КПСС аъзоси, республика аҳамиятига молик шахсий пенсионер П. М. Неровний.— Ёлғон миш-мишлар тарқатаётган, миллатлараро ихтилофларни авж олдираётганлар йўлини тўсиш вақти етди. Жамият муқаддас туйғу — халқлар дўстлигига путур етказаётганлардан муҳофаза қилиниши керак. Бундай кишиларни энг қаттиқ қонунлар билан суд қилиш зарур. Фарғона воқеалари акс-садоси такрорланмаслиги лозим.

(ЎзТАГ мухбири).

ЖИНОЯТ УСТИДА ҚЎЛГА ТУШДИ

САМАРҚАНД, 16 февраль. (ЎзТАГ мухбири). Шаҳарнинг Боғишамол районида милиция ходимлари ҳеч қаерда ишламайдиган Саидов деган кимсани қўлга олдилар. У миллатлараро адоватни авж олдиришга қаратилган туҳматчиликдан иборат варақаларни ёпиштираётганида қўлга тушди.

Фитначи район территориясида ишкада ёзилган тўртта ана шундай варақани ёпиштириб бўлган экан. Тинтув вақтида унинг уйидан машинкада ва қўлда ёзилган бундан ҳам кўпроқ варақаларни топишди.

Саидов бундан аввал ҳам туҳмат учун судланган экан. Энди Самарқандининг Боғишамол район прокуратураси унга қарши яна жиноий иш қўзғади.

СОХТА ШОВ-ШУВСИЗ—ФАҚАТ ҲАҚИҚАТ

17 февраль. Меҳнат ҳафтаси тугади, Ўзбекистон республика ва маҳаллий Советлар халқ депутатлари сайловига тайёргарлик кўраётган эди. Лекин турмушнинг оддий мароми бузилди.

«Самарқандда комендантлик соати жорий этилди!»— Би-би-си, «Озодлик», Канада радиоси ана шу сохта, ғиғогарона хабарни эшиттирди.

Чет элдан берилган сохта радио хабарини республика меҳнатчилари эшитиб, даргазаб бўлдилар. Бундай хабарни эшитиб лоқайд қолиш ғалати бўлур эди — Самарқандда қариндош-уруғлари, ёру-биродарлари, дўстлари бўлган кишиларгина эмас, ўз хонадонида тинчлик ва осойишталик бўлишини қадрлайдиган ҳар қандай одамлар қалбига ғулғула тушди.

17 февраль куни Тошкентга Би-би-си вакиллари Александр Левич билан Тим Хьюэл, «Тайм» мухбири Ник Уоррел келдилар. Уларнинг программасида Самарқандга сафар қилиш ҳам кўзда тутилган эди.

Шу куни хорижий журналистларни Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлигининг раҳбарлари, министрлик матбуот марказининг ходимлари қабул қилдилар. Мухбирларга Самарқандда, республикамизнинг бошқа шаҳарларида ҳам сайловга тайёргарлик қандай бораётганлиги, меҳнат коллективларида учрашувлар қандай ўтаётганлиги, бундай учрашувларда одамлар тўпланиб қолган муаммолар ҳақида ташвишланиб гапираётганликлари, уларни ҳал қилиш йўлларини излаётганлиги тўғрисида батафсил сўзлаб берилди. Журналистлар барча саволларига муфассал жавоб олдилар.

Би-би-си вакиллари ана шу холис ахборотни юборишлари лозим эди. Лекин бунинг ўрнига Самарқандда комендантлик соати жорий этилгани тўғрисида машъум хабар янгради.

Би-би-си бу ёлғон хабарни қаердан олди? Лондондаги радиостанциянинг вакиллари бу саволга жавоб беришлари осон бўлмади. Улар гоҳ Москва радиосининг, гоҳ Тошкентдаги ҳамкасбларнинг хабарини пеш қилсалар, гоҳ Лондондаги уқувсиз редакторни рўкач қилишарди, буларнинг ҳаммаси ишонарли эмасди. Чунки улар ҳеч қандай баҳона билан ўзларини оқлай олмас эдилар. Александр Левич: «Биз Лондонга телефон қиламиз, улар сохта хабар эшиттиришганини маълум қилишга ҳаракат қиламиз» деб ваъда берди. Ник Уоррел эса: «Ахмоқона иш бўлди» деб очиғроқ гапирди.

Хорижий журналистларга хатони тезроқ тузатишни, Би-бисига сохта ва ғиғогарлик тусидаги хабар қаердан борганлигини текширишни таклиф қилишди. «Хабарни ким юборганлигини текшириб кўраман», — деб ишонтирди Александр Левич.

Шу куни журналистлар Тошкентдан жўнаб кетишди. Улар Ўзбекистондан кетишаётганида фақат холис хабаргина, нотўғри ахборотга йўл қўйилганини тан олишгина республика аҳлига ашаддий ёлғон етказган маънавий ва руҳий зарарни бироз бўлсада сусайтиришини тушуниб олишларини жуда истар эдик.

Юз берган бу воқеа ўз касбига ҳалол, виждонан муносабатда бўлмаслик одамлар орасига нифоқ ва ишончсизлик уруғини сочадиган барча кишилар учун сабоқ бўлади, деб умид қиламиз.

Халқаро алоқаларда янги сиёсий тафаккур тобора мустаҳкам қарор топаётган пайтда ахборот учун масъулият ортиб бормоқда. Ахборот оғизда эмас, балки амалда халқларни яқинлаштиришга хизмат қилиши лозим.

Юз берган воқеа мустақил республиканинг — Ўзбекистон эса ана шундай республика — ваколат доирасига тааллуқли ички ишларни ҳал қилиш учун хорижий журналистларни «ёрдамга» чақиришга уринаётган норасмий уюшмалар айрим вакиллари учун жиддий сабоқ бўлсин. Бундай хатти-ҳаракатлар халқ орасида ҳам, ўша чет эллик журналистлар олдида ҳам обрў келтирмайди.

ҚИШЛОҚ АҲЛИГА—САЛОМАТЛИК ХИЗМАТИ

БУХОРО ОБЛАСТИ. Областдаги кўпгина қишлоқ жойларда кейинги беш йил ичида 80 дан зиёд фельдшерлик-акушерлик пунктлари ва амбулаториялар қурилиб ишга туширилди. Шофиркон район марказида 90 ўринли туғуруқхона очилди. Пешку районида эса 60 ўринли туғуруқхона ишлаб турибди. Ромитан районида эса марказий касалхона бинои қад кўтарди. Шуниси қувончлики, бу медицина муассасалари замонавий асбоб-ускуналар, турли буюмлар билан жиҳозланган. Булар эл саломатлиги йўлида хизмат қилмоқда.

Суратларда: 1 Ромитан районидаги янги шифохона кўриниши. 2. Шофиркондаги янги марказий касалхонада: (чапдан ўнгга) даволовчи врач Абдували Абдуллаев, бош врач ўринбосари Баҳром Ражабов ва лаборант-рентгенчи Толиб Шодиев. 3. Ромитан районидаги Энгельс номли колхоз амбулаторияси болалар врачи Лола Ҳайитова болаларни қабул қилмоқда.

Ш. АЛИМОВ суратлари (ЎзТАГ).

Реклама ва эълонлар

«УЗВОДРЕМСТРОЙЭКСПЛУАТАЦИЯ» республика ишлаб чиқариш бирлашмасининг

УҚУВ ҚОМБИНАТИ

ишдан ажралган ва ишдан ажралмаган ҳолда 1990 ЙИЛ УЧУН

КУНДУЗГИ ВА КЕЧКИ КУРСЛАРГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Курслар «А», «В», «В, С», «Д», «Е», «С» категориядаги ҳайдовчиларни тайёрлайди ва қайта ўқитади, шунингдек автомеханиклар, автослесарлар, тракторчилар, экскаваторчилар, бульдозерчилар, автокранчилар, минора, шоти, кўприк, пневматик бошқарилдиган кранларнинг машинистлари, «КАМаз»ларнинг ҳайдовчилари, газ-баллон автомобиллари, электр ва автопогрузчиклар, электрокараларнинг ҳайдовчиларини тайёрлайди; 3-разряддан 2-разрядга, 2-разряддан 1-разрядга тракторчиларни қайта ўқитади, газ пайвандчилар, электр пайвандчилар, газ-электр пайвандчилар, кранлар бўйича ремонтчи-слесарлар, кранлар бўйича электриклар, автоэлектрихлар, аккумуляторчилар, вентиляция системалари ремонти бўйича слесарлар, вентиляция системалари монтажи бўйича слесарлар, «КАМаз» лар ремонти бўйича слесарлар тайёрлаб чиқаради.

ГРУППАЛАРГА ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАН ИЎЛЛАНМА БИЛАН КЕЛГАН КИШИЛАР ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН ҲАҚ ТЎЛАГАН ҲОЛДА ВА ЭРКИН ҚАБУЛ ҲИСОБИГА ТАЪЛИМ ҲАҚИНИ НАҚД ПУЛ БИЛАН ТЎЛАГАН КИШИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Наримонов шаҳри, Лихачев кўчаси, 5-уй (171, 183, 188-автобусларнинг «Поликлиника» бекати). Телефон 92-38-95.

ПЕЧКАДАН ЎТ ЧИҚИБ КЕТМАСИН ДЕСАНГИЗ...

Турар-жойлардаги ёнғинлар одамларни бошпанасидан айириб, мол-мулкини нобуд қилиши туфайлигина эмас, балки хонадон соҳибларининг, биринчи галда ёш болаларнинг ҳаётини хавф остида қолдириши туфайли ҳам ўта хатарлидир.

Шу йилнинг январь ойидагина жумҳуриятимиздаги печкалар билан иситиладиган турар-жойларда ҳаддан ташқари қизиб кетиш ва печкалардан фойдаланишдаги бошқа ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг қўпол суратда бузилганлиги оқибатида 500 дан ортиқ ёнғин чиқиш ва ўт олиш ҳодисалари содир бўлди.

Ҳаммаси бўлиб, ўтган йили иситиш печкалари туфайли 3216 маротаба ёнғин чиқди, бу эса ёнғинлар 1988 йилдагидан 65.6 фоизга кўпайди, демакдир.

Иситиш печкаларидан ўт чиқиш ҳодисалари ва ёнғинлар содир бўлмаслиги учун эҳтиёт чораларига қатъий амал қилиш, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бажариш, печкалар ва дудбуронларни вақтида тозатиш ва қурумдан тозалаб туриш лозим.

Ёнғин чиқишининг олдини олиш мақсадида қуйидагилар man этилади:

— тешик-ёриғи бўлган печкалар ва ўчоқлар, ўтхоналар ва ўтхона остидаги ҳаво кирадиган тешикларнинг носоз эшикчалари, ёнғинга қарши разделкаси 38 см. дан кам бўлган дудбуронлардан фойдаланиш;

— печкани ўт олдириш учун бензин, керосин ва бошқа енгил алангаланадиган суюқликлардан фойдаланиш;

— ёқилган печкаларни, ёниб турган керосин ва газ асбобларини назоратсиз қолдириш, шунингдек бу асбобларга қараб туришни ёш болаларга ишониб топшириш;

— печкаларни ҳаддан ташқари қиздириб юбориш, шунингдек, печкалар устида ва орқасида ўтин, кийим-кечак ва бошқа ёнувчан материалларни сақлаш;

— иморатлар яқинида ҳали ўчмаган кўмир қўри ва кулни тўкиш.

Ёнғин чиққан ҳолларда «01» телефони орқали зудлик билан ўт ўчириш хизматига хабар қилиш зарур.

ГРАЖДАНЛАР! Тасодифий «усталар»га печка қурдирманг. Кўнгилли ўт ўчириш жамияти хизматларидан фойдаланинг!

Ўзбекистон жумҳурият кўнгилли ўт ўчириш жамияти. «Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон ишлаб чиқариш корхонаси.

АХБОРОТ

Шартнома имзоланди

● Ульянов районидаги «Ғалаба» совхози билан Новосибирск ип газлама комбинати ўртасида ўзаро ҳамкорлик шартномаси имзоланди.

Яқинда корхона маъмуриятининг таклифига биноан совхоз директори О. Бердиев Новосибирскда бўлиб, комбинат ишчилари билан учрашувларда пахта етиштириш технологияси ҳақида ҳикоя қилиб берди. Корхонага Қашқадарё областидан етказиб бериладиган бир ярим минг тонна пахта толасининг минг тоннаси «Ғалаба» совхози ҳиссасига тўғри келади. Шу боисдан ҳам новосибирсклик ишчилар чўлқувар пахтакорлар билан бундан кейин дўстона ҳамкорликда ишлашга келишиб олдилар. Совхоз деҳқонлари пахта толаси билан бирга мева, сабзавот ва полиз маҳсулотларини сибирликлар дастурхонига тортиқ қилишади. Ўз навбатида қардошлар пахтакорларга қурилиш ва ёғоч материаллари, ёғоч ва техника ускуналаридан ёрдам қиладилар.

Кўрик ғолиби

● «Эскиангарканалстрой» трестининг Яккабоғ механизациялашган кўчма колоннасига қарашли «Ирригатор» маданият саройи ҳузуридаги «Зилол» бадиий ҳаваскорлик ансамблининг ташкил этилганига кўп вақт бўлгани йўқ.

Аммо ёш талантли йигит-қизлар жалб этилган мазкур ансамбл қисқа вақтда томошабинлар эътиборини қозонди. Яқинда ансамбл коллективи учинчи Бутуниттифоқ халқ ижодиёти фестивали доирасида ўтказилган Қашқадарё вилояти ашула ва рақс ансамбллари кўрик-конкурсида иштирок этиб, ғолибликни эгаллади. Ҳозирги кунда ансамбл санъаткорлари шу йил май ойида ўтадиган республика кўригида қатнашишга пухта тайёргарлик кўрмоқдалар.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

• Мутахассис масала қўяди •

ЕРНИНГ НАФАС ОЛИШИ

ёки сейсмологлар ва қурувчилар ҳамкорлигини мустаҳкамлай бориб, бўлажак зилзилалар олдини олиш зарурати ҳақида баъзи мулоҳазалар

● Сайёрамиз — ажойиб шакл-сифатларга эга мураккаб астрономик ва геологик объект. Астрономик ажойиблиги ҳаёт қайнаган жой эканлиги бўлса, геологик мураккаблиги эса Ерда содир бўлган-бўлаётган жараёнларнинг кўпи ечилмаган муаммоларга бойлигида деб ҳисоблаймиз.

ШУНГА қарамай, инсонлар табиат сирларини очиш учун ҳаракат қилди, қураш-ди, енгди-енгилди. Инсонлар даҳшатли зилзилалар олдида ҳозирча ожиз бўлиб, ундан беқиёс зарар кўрмоқда, оғир мусибатларни бошидан кечирмоқда.

Нега қўққисдан Ер сатҳида даҳшатли зилзилалар пайдо бўлади ва аста-секин «ғойиб» бўлади? Сабаблари нимадан иборат? Умуман олганда, Ер сайёраси ҳам ўзига хос ҳаёт кечиради ва у доимо ҳаракатда. Таъбир жоиз бўлса, даҳшатли вулқонлар, кулфатли зилзилалар Ернинг «нафас» олишидир. Сайёрамиз тинимсиз ҳаракат қилар экан, у нафас олади. Винобарин, Ер сатҳининг айрим жойлари чўкиб, иккинчи жойлари кўтарилиб туради.

Мисолларга мурожаат қилайлик: Фарғона водийсини ўраб турган қорли тоғлар кейинги 10-12 миллион йиллар мобайнида 7 километр баландликка кўтарилган бўлса, шу давр ичида водий 7 километрга чўкди. Тошкент заминни йил сайин 1-2 миллиметр кўтарилмоқда. Нил дарёси ўрта ер денгизига қуйиладиган жойларда милоддан аввал қурилган баланд миноралар неча бор денгиз остига кириб, яна кўтарилгани ҳақиқат. Канаданинг шарқий қирғоқларидаги ўрмонлар ҳозирги кунда Атлантика океани остида турганига кўпчилик гувоҳ.

Бу мисоллар шуни кўрсатадики, ерда ҳамиша тик ва горизонтал ҳаракатлар мавжуд.

Ер тебранишларининг асосий сабабларига келсак, бу турли ҳодисалар туфайли ер қаърида йиғиладиган куч ифодаси. У, аввало, кўтарилиш ва чўкиш ҳаракатидан пайдо бўладиган механик куч, қолаверса, кимёвий реакциялар, радиоактив элементларнинг парчаланишидан ҳосил бўладиган энергия, гравитацион ҳаракатлар — Ой ва Қуёш тортиш кучлари каби ҳодиса. Ана шу кучлар ер бағрида йиғилади ва тобора кучайиб, ернинг бўшроқ жойларидан ташқарига «туртиб чиқади» ва зилзила офатларига сабаб бўлади. Ернинг бўшроқ ҳисобланган шундай минтақаларигаداستлаб Тинч океан «оловли халқаси» кирса, иккинчидан экваториал тоғ олди ўлкалар, яъни Владивостокдан бошланадиган Саян-Ҳимолай-Тьян-Шань-Кавказ-Карпат-Альп тоғлари ва Ўрта ер денгизи атрофлари, Атлантика океанига чиқавериш зонаси алоқадор. Бу икки зона сайёрамизда сейсмик жиҳатдан актив зона деб юритилади. Тинч океани — «оловли халқа» зонасида ер юзидаги зилзилаларнинг 68 фоизи, экваториал сейсмик актив зонада 21 фоизи бўлиб туради.

Ўзбекистон иккинчи сейсмик актив зонада жойлашган. Шу боис республика диёрида зилзилалар бўлиб туриши янгилик эмас. Олимларнинг кузатишига қараганда, ер сатҳида бир йил давомида 1 миллион мартадан ортиқроқ турли кучдаги титроқлар-тебранишлар содир бўлади. Бу — ҳар соатда 120 та туртки, демак. Шулардан фақат 100 мингтасини кишилар сеза оладилар, холос. Қолгани ўта сезувчи сейсмографлар ёрдамида қайд этилади.

БМТ ва ЮНЕСКОнинг ҳисоб-китобларига кўра, йил давомида ер қимирлашдан 15-20 минг киши нобуд бўлиб, бундан кўрилган зарар бир неча 10 миллион доллар билан ўлчанади. Масалан, 1923 йил 1 сентябридаги Япония зилзиласи оқибатида саноқли дақиқалар давомида 128266 уй бузилиб, 142807 киши ҳалок бўлган, 100 минг киши жароҳатланган. 800 океан пароходлари ҳалокатга учраган. 1988 йил 7 декабрь Арманистон зилзиласи 50 минг нафар кишининг ёстиғини қуритди. Шу офат оқибатини тугатиш учун давлатимиз томонидан 8 миллиард сўм ажратилди.

Олимларнинг ҳисоблашларича, 10 балли зилзила пайтида ер бағридан 1 квадрат триллион от кучига тенг энергия ажралиб чиқади. Ер қимирлаш пайтида ҳар секундда 10 миллион киловатт энергия ажралади. Бу — Куйбишев электр станцияси каби беш станция қувватига тенг. Ҳар дақиқада қўққисдан пайдо бўлиши мумкин бўлган бундай зилзилаларни олдиндан узил-кесил айтиб бериш имкони ҳозирча топилгани йўқ. Чунки мавжуд даракчилар — балиқ, илон, мол ва қўйлар электр, магнит майдонларининг ўзгаришини сезишлари, ер ости сувларида радон элементининг миқдорини ўлчаш ва бошқа омиллар ҳали башорат даражасига кўтарилмаган.

Шунга қарамай, яқин келгусида бу жумбоқ ижобий ҳал этилиши мумкин, деган умиддамиз. Маълумки, зилзила вақт кутмайди. Шунинг учун фалокат юз бергач, айюҳаннос солиб тадбир излаш эмас, балки офат содир бўлмасдан унинг олдини олиш чораларини кўриш долзарб талабга айланиб бормоқда.

Бу борадаги асосий чоралардан бири — Ўзбекистонда қурилган иморатларнинг 8-10 балли зилзилаларга бардош бера олишини қайта текшириб чиқиш ва янги биноларни мустаҳкам қилиб қуришдан иборат. Тошкент ва Арманистон зилзилаларининг аччиқ тажрибаси бунга яққол мисол бўла олади. Фикримизча, Ленинакандаги «қалбакилик» коэффициенти билан биргаликда қуйи балларга мўлжаллаб қурилган иморатлар қимматга тушди. Ҳозир бу иморатларни қайта тиклашга ажратилган 8 миллиарднинг 1 миллиарди олдиндан — қурилиш пайтида қўшиб сарфланганда эди, бунчалик кулфатлар бўлмасди. «Хасис икки марта тўласа, сахий бир марта тўлайди» деган халқ мақоли бежиз айтилмаган. Қадимий тажрибамиз бор. Ўзбек халқи нисбатан қиммат бўлса ҳам уйларни қўшсинч қилиб қурган ва зилзилалардан нисбатан оз талофатлар кўриб омон қолган.

Японияда ҳар йили 1100 та ер тебраниши содир бўлади. Улар орасида 10 баллилари ҳам бор. Лекин кейинги 15-20 йиллар давомида Токиода ёки бутун Японияда зилзила туфайли ҳожеа юз берганини эшитганимиз йўқ. Нима учун? Бунинг асосий сабаби — японлар кўп қаватли иморатлардан тортиб, оддий уйларга қадар ер тебранишига бардошли даражада қуришни одатга айлантирганлигида деб биламиз. Масалан, қирқ қаватли турар-жой биноси ёстиқсимон пойдевор устида турса ҳам ер қаттиқ қимирлаганда 3-5 дақиқа давомида икки томонга эгилиб, оғади, тебранади, лекин қуламайди, босиб ҳам қолмайди. 19 қаватли яна бир иморат бор. У шундай мустаҳкамки, томи вертолет қўнибучадиган майдонга айлантирилган. Булар шундан дарак берадики, японияликлар сахийлик билан иморат қуриб, зилзила офатидан нисбатан осон қутулдилар. Улар ҳамон зилзилани илмий асосларда ўрганишни кучайтирмоқдалар, ер силкинишини олдиндан башорат қилишга астойдил уринмоқдалар.

Юқорида баён этилган фикрлар асосида ва Арманистон зилзиласи оқибатларини шахсан кузатган бир геолог-мутахассис сифатида Ўзбекистон қурилишларига ҳам алоҳида эътибор бериш лозимлигини таъкидламоқчиман. Чунки Ўзбекистон экваториал сейсмик актив зонада эканлигини асло унутмаслигимиз шарт. Тошкент, Андижон кучли ер қимирлашлари тарихда бир неча бор қайталанган. Улар энди қайталанмайди, дейишга ҳеч қандай асосимиз йўқ. **Ўзбекистонда зилзила «вабо»сидан қутулиш учун ҳанузга қадар эътиборсиз қолаётган профилактика ишларини бошлаш керак. Дарвоқе, бу иш қанча тез бошланса, шунча яхши.** Республикамизнинг кўпгина майдони сейсмик актив зонада жойлашган. Айниқса Фарғона водийси, қолаверса Андижон шаҳри атрофлари юқори актив зонага киради. Бу ҳақда 1902 йилдаги Андижон фожиаси далолат берса, 1868—1966 йиллар давомида уч марта қайталанган Тошкент кучли зилзиласи фикримизни яна бир бор тасдиқлайди.

Геологик ва сейсмологик текширишлар Қирғизистондаги охирги икки зилзила, Тожикистон ер қимирлашлари Фарғона водийсида сейсмик ҳолат кескин тус олаётганини огоҳлантирмоқда. Андижон зилзиласи қайталангудек бўлса, оқибати қандай бўлишини тасаввур қилиш қийин. Мавжуд иморатларнинг кўпчилиги 9-10 балли ер қимирлашларига бардош бера оладими-йўқми? Янги қурилган ва қурилаётган турар-жойлар мустаҳкамлиги қалай? Бу саволлар Ленинакандаги зилзила оқибатларини кўрган бир мутахассис сифатида мени безовта қилмоқда. Иморатларнинг сифатсиз қурилаётгани сир эмас.

Бунинг асосий сабабларидан бири республикамизда сейсмологлар ва қурилиш иншоотлари билан шуғулланувчилар ўртасида узвий алоқа ўрнатилмагани, бири-иккинчисини муттасил назорат қила оладиган илмий-амалий алоқалар мустаҳкам эмаслиги деб биламан. Уларнинг ҳамкорлиги тасодифий ва онда-сонда бўладиган алоқадан нарига ўтмаганлиги эса ташвишли.

Шу сабабга кўра сейсмологлар ва қурувчилар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаб, бўлажак кучли зилзилалар олдини олиш мақсадида профилактика ишларини кечиктирмай бошлаш кераклигини таклиф этмоқчиман. Ишни Андижон сейсмик актив зонасидан бошлаш мақсадга мувофиқ. Чунки Андижонда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси қошидаги сейсмология институтининг филиали жойлашган, профилактика ишлари бўйича мутахассис кадрлар билан нисбатан кўпроқ таъминланган.

Ишлар ижобий самаралар бериши учун Ўзбекистон ССР Давлат қурилиш комитети ҳузурида махсус давлат комиссияси тузилиб, унинг таркибига геологлар, сейсмологлар, қурилиш мутахассислари ва тажрибали лойиҳачилар киритилиши шарт, деб ўйлайман. Улар биргаликда барча уй-жой иморатлари ва давлат иншоотларини бирма-бир кўздан кечиришлари, кучли зилзилага бардош бера олиш даражасини синчиклаб ўрганишлари зарур. Янги қурилаётган ва битаётган лойиҳалар бўйича қурилиши зарур иморатларни зилзила талаблари асосида қайта кўриб чиқишни таклиф этаман. Мен таклиф этаётган бу профилактика тадбирлари умумий, албатта. Унинг нозик ва ўзига хос жиҳатлари комиссиянинг иш жараёнида янада ойдинлашишини ҳам назарда тутиш керак. Бундай профилактика чораларини Олмаота сейсмик зонасида ҳам ўтказиш зарурлиги таклиф этилди («Правда» газетаси, 28 март 1989 йил). Чунки бу шаҳарда ҳам 1887, 1889 ва 1911 йилларда 9-10 балли ер қимирлашлари бўлган ва қозоқ халқи бошига катта кулфатлар келтирганини ҳали-ҳали эслашади.

Юқорида зикр этилган фикрлар ва профилактика чоралари кечиктирилмай амалга оширилганлигина инсонлар ҳаёти сақланиб қолади ва кучли зилзила офатидан кўриладиган зарарлар кескин камаяди. Хулоса қилиб айтганда, зилзила қурбонларига эмас, балки ундан сақланишни уддалаганларга ҳайкал қўйиш зарур, деб ҳисоблайман.

М. ЗОКИРОВ,
геология-минералогия фанлари доктори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган геолог.

ЁНҒИН БАҲОНА ЭМАС

• Ҳодиса

Бадиий асарлардаги тўқима воқеалар вақт-соати билан ҳаётда юз бериб қолиши кишини таажжублантирмайди. Ғафур Ғуломнинг «Шум бола»си тилидан бой ҳузурида баён қилинган ёнғин воқеаси аслида ўша ҳасис бойни калака қилиш, уни доғда қолдириш мақсадида тасвирланган. Агар асар қаҳрамони ўша Шум бола ҳаётда тирик бўлиб, республикамизнинг чорвачилик фермаларида содир бўлаётган ёнғинларни ўз кўзи билан кўрганида, билмадик у яна қандай саргузаштларни, ҳангомаларни келтириб чиқарган бўларди.

Яхшиси, мисолларга ўтайлик. Чимбой районидаги «Қорақалпоғистон» совхози фермасида кучли ёнғин чиқди. Бунинг оқибатида 21 бош қорамол нобуд бўлди. Кўрилган зарар 21 минг сўмни ташкил этди.

Янгийўлдаги «Туябўғиз» фермасида содир бўлган алангада чўчқалар куйиб кул бўлди.

Чироқчи районидаги Охунбобоев номли совхоз фермасида ускуналарнинг кули кўкка совурилди. Сут бериб турган сигирлардан 50 таси ловуллаган алангга ичида қолди.

Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхоз паррандачилик фермасида ҳам ёнғиннинг тили фалакка кўтарилди. Нақд 8 минг жўжа оловда қовурилди.

Қаранг-а, биргина ўтган йилнинг ўзида республикамизнинг турли фермаларида содир бўлган ҳар хил ёнғинлар оқибатида 1 минг бош қорамол пичоқ кўрмай ҳаром ўлди. Агар битта қорамол сўйилганда ўрта ҳисобда 150 килограмм гўшт беришини хомчўт қиладиган бўлсак, бу 150 минг килограмм гўшт «ахлат»га ташланди, деган гап. Ўрта ҳисобда бир киши бир кунда 200 грамм гўшт истеъмол қилишини инобатга оладиган бўлсак, йўқотилган гўшт 750 минг киши бир кунлик луқмадан маҳрум бўлганини билдиради.

Хулоса шуки, хўжаликлардаги «мутасадди»лар аҳолининг насибасини ана шундай бақибегамлик билан қирқиб туришибди...

А. ПУЛАТОВ.

Муҳаррир
Р. РАҲМОНОВ.

САНИИРИ илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи тармоқлар бўлимининг катта илмий ходими, техника фанлари номзоди Х. Х. Эшоновга отаси

Ҳамид ЭШОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекэнерго» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Энергонадзор» корхонаси коллективи «Ўзбекэнерго» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари Т. Ш. Аҳмедовга онаси

Шухурахон АҲМЕДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент бош универсал магазини коллективи собиқ директор Я. Иброҳимовга отаси

Иброҳим СУЛТОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Олий суди коллективи Ўзбекистон ССР Олий судининг аъзоси Н. Д. Зокировга акаси

Исоматдин Дониевич ЗОКИРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Уруш ва меҳнат ветеранларининг Ўзбекистон республика ва Тошкент шаҳар Советлари 1918 йилдан КПСС аъзоси

Ҳикматхўжа ДОНИЕРХУЖАЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент автомобиль йўллари институти ректорати, партия ва касаба союз ташкилотлари йўл хўжалиги иқтисоди кафедрасининг мудири С. Ҳуснутдиновга рафиқаси

Зоҳро Каримовна ҲУСНУТДИНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 04100. № 43. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12